O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

8 (8) (47-50) 18 декабрь, пайшанба 2008 йил • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси



Янги йил томошалари бошланди

Мустақиллик майдонида бунёд этилган "Эртаклар шаҳарчаси"да кичкинтойлар учун Янги йил байрами томошалари бошланди.

5-бет



Миллий манфаатлар устувор

Ҳиндистон парламентига нигоҳ

7-бет



Баркамоллик сари

бу йўлда спортнинг аҳамияти беқиёс

8-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
Депутат зиммасидаги масъулият
Бош мақсадимиз партия мавқеини ошириш
Тинч яшаш ҳуқуқи
Эл-юрт фаровонлиги йўлида
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 3-бет
Тошкент вилоятининг юксак салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш – долзарб вазифа
ПАРЛАМЕНТ 4-бет
Жамоат ташкилотлари
Янги йилда ҳам ёшларга эътибор камаймайди
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Янги йил томошалари бошланди
Болалар адиби
"Алпомиш"ни ўқиб...
ЖАРАЁН 6-бет
Тарбия омиллари
Табиат неъматлари ва инсон омили
Болалар учун янги фильм-эртак
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Афсонавий Фудзияма
Дунёдан дараклар
СПОРТ 8-бет
Португалиялик голеадор
Турфа олам



2008 ЙИЛ ЁШЛАР ЙИЛИ

## Ёшлар бизнинг келажагимиз

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, уларнинг моддий-техник базасини бойитиш, ёшларимизни замон талаблари даражасида билим олишлари учун малакали мутахассис, кадрлар билан таъминлашга қаратилаётган эътибор туфайли соҳада кўзга кўринарли ва мақтовга сазовор ишлар қилинмоқда.**

Эришилаётган натижаларда Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган соҳа жонкуярларининг ҳам ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жорий "Ёшлар йили"да вилоятнинг биргина Косон туманида 1 та янги, 5 та капитал реконструкция қилинган 9 та умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилди.

- Туманда 95 та умумтаълим мактаби, 35 та мактабгача таълим муассаси, 7 та мактабдан ташқари муассаса мавжуд,- дейди Косон туман ХТБ мудири Мурод Мўминов.-Бугун умумтаълим мактабларида 49 минг 640 нафар, мактабгача таълим муассасаларида 2500 нафар тарбияланувчиларга 4516 та педагог-тарбиячилар таълим бериб келмоқда.

(Давоми 6-бетда)

## Тошкент вилоятининг юксак салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш – долзарб вазифа

**Аввал хабар қилинганидек, шу йил 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқнинг баёни эълон қилинмоқда.**

Юртбошимиз аввало, Тошкент вилоятининг улкан салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, унумдор тупроғи, бутун дунёга машҳур ишлаб чиқариш корхоналари, инфратузилма ва коммуникациялари, бетакрор иқлими ва табиати ҳақида тўхталиб, воҳанинг кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган, меҳнаткаш ва мард халқига ўз ҳурматини билдирди.

Истиқлол йилларида ана шу салоҳиятни янада юксалтириш, вилоятнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик ижтимоий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўп иш қилинмоқда. Биргина 2008 йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 9 фоиз, хизматларнинг умумий ҳажми эса 30 фоизга ўсгани шу йўлдаги ҳаракатлар изчил давом этаётганини кўрсатади.

2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 987 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағнинг 110 миллиард сўмдан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан, 83 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

(Давоми 3-бетда)

ТАНЛОВ

## Энг яхши дарсликлар муаллифлари аниқланди

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 2008 йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳалари учун пухта билимли, етук малака, теран тафаккурга эга, юксак маънавиятли кадрларни тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим соҳасидаги ислоҳотларни изчил олиб бориш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги билим масканларини барпо этиш, ўқитувчиларнинг касб маҳоратини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ёш авлоднинг пухта билим олишида улар ўқиётган дарслик ва адабиётлар муҳим ўрин тутади. Тезкор ўзгариб бораётган давр дарсликларни муттасил янгилаб, фанга оид энг сўнгги маълумотлар билан бойитиб боришни талаб этмоқда. Шу боис ислоҳотлар жараёнида олий, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий таълимнинг барча фанлари бўйича давлат таълим стандартларини янгилаш ва янада мукаммаллаштириш, замонавий ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув адабиётларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини оширишга қаратилган "Истеъдод" жамғармаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танлови дарслик ва ўқув адабиёти, қўлланмалар сифатини янада яхшилаш, муаллифлар меҳнатини рағбатлантириш имконини бермоқда.

2008 йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи республика танловининг натижасига кўра, умумий ўрта таълим тизими учун ўн номдаги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун йигирма икки номдаги, олий таълим учун яратилган ўттиз номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаси, тўққиз номдаги электрон дарслик ва ўқув адабиёти ғолиб деб топилди. Танловга тақдим этилган ўқув адабиётлари умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим даргоҳлари, бакалавриат ва магистратуранинг ҳар бир йўналиши бўйича яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, услубий қўлланмалар каби тўққиз номинация бўйича аниқланди.

Тадбирда танлов ғолиб ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

ТАҲЛИЛ

Ахборотлашаётган жамият талаблари:

## Қонун, ижро, масъулият

Олимжон ЎСАРОВ,
ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

**"Агар огоҳ сен - шоҳ сен!"**
**Улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу сатрлари нечоғли мазмун-моҳиятга эга эканлигини бугунги шиддатли тараққиёт, тезкор ахборотга бўлган талаб, коммуникация технологияларининг бемисл ривожланиши яққол исботлади, десак асло муболаға эмас.**

Дарҳақиқат, бугун биз инсоният ҳаётининг ҳеч бир соҳаси ва жабҳаси ахборот ва коммуникация технологияларидан четда қолиши мумкин бўлмаган, ахборот мисли кўрилмаган мўъжизага айланган жўшқин замонда яшамоқдамиз.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаётган 10 та қўмитанинг биттаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари билан шуғулланиши, яъни айнан ушбу соҳа ривожи учун хизмат қилувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш вазифаси юклатилганлиги бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг **"Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир"** дастурий маърузасида таъкидланганидек, **"Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир".** Зеро, бу борадаги асосий вазифа — мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборатдир.

(Давоми 4-бетда)

2009 йил учун «Milliy tiklanish»га обуна бўлинг!

Обуна «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинади!

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

**МУНОСАБАТ**

## Депутат зиммасидаги масъулият

**Жамолиддин ҚАҲҲОРОВ,**
**Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати**

**Жамиятимизнинг барча соҳаларида демократлаштириш жараёни чуқур кечаётган, пировард мақсадимиз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида депутатлар олдида ҳам бир-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Содда қилиб айтганда, олис қишлоқ ёки туман, шаҳар ёки вилоят бўладими, бизнинг бугунги ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг юкини елкасида кўтараётган инсонларнинг манфаатларини ҳимоялаш депутатларнинг нафақат вазифаси, балки бурчи ҳамдир.**

Таъкидлаб ўтиш керакки, жорий йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"-ги Конституциявий қонун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларга кенг ваколатлар ва имкониятлар берди. Айниқса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатларининг ижроия ҳокимият фаолиятини назорат қилиш ва қарорлар қабул қилишдаги иштироки учун зарурий ҳуқуқий имконият ва механизмларни яратди. Депутатлар бу имкониятдан, аниқроқ айтганда ҳуқуқларидан қай даражада фойдаланишмоқда?

Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳаллий кенгашлар депутатлари қонуний кафолатланган ваколатларидан фойдаланмасдан келаётганларини алоҳида уқтириб ўтдилар. Бу мени маҳаллий кенгаш депутати сифатида ўз фаолиятимни халқона тилда айтганда элакдан ўтказиб, таҳлил қилишга ундади. Жойларда ташаббускорликнинг етишмаслиги, ислоҳотларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани, ҳаётимизда учраб турадиган айрим камчиликлар учун биз депутатлар ҳам жавобгар эканлигимизни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари депутатларни фаол бўлишга чақириб, ноқобил раҳбарлар ўрнига бугун сафимизга кириб келаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, хорижий тилларни биладиган, эл-юрт учун ишлайман деб ёниб турган ёшларга ишонч билдириб, уларни масъулиятли вазифаларга кўтариш кераклигини таъкидладилар. Бу эса биз депутатлар зиммасига алоҳида вазифа юклайди ва ёшлар сиёсатида янада фаол бўлишимиз кераклигини англатади.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган нутқидаги " ... бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларда барча бўғиндаги депутатлар фаоллигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилаяпти" деган фикрлари биз депутатларнинг муайян ишлар билан чегараланиб қолмасдан, ўз олдимизга янада қатъий талабларни қўйиш вақти келганлигини кўрсатяпти. Бу, айниқса маҳаллий кенгаш депутатлари зиммасига алоҳида масъулият юклашини айтиб ўтиш керак.

Аслини олганда эса, ҳududдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий муаммоларни фақатгина сайловчилар билан доимий мулоқотлар орқали чуқурроқ ўрганишимиз ва унинг ечимини топишимиз мумкин. Президентимизнинг маърузаларида айни халқимизнинг кўнглидаги ва биз депутатлар олдида турган долзарб масалалар кўтарилди. Эндиликда ҳар бир маҳаллий кенгаш депутати ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, уни тубдан ўзгартириши керак.

**ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА**

## Давр билан ҳамнафас

**Д.ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



**Ёшлар салоҳиятини ватанга хизмат қилишга йўналтириш ва мазкур вазифаларни самарали ҳал этиб бориш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастурида белгиланган асосий мақсадлардан биридир.**

Уларнинг амалдаги ижроси партиянинг вилоят кенгашлари томонидан ўтказилаётган турли тадбирларда ёрқин ифодасини топмоқда. Яқинда ЎзМТДП Учкўрғон туман Ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган тумандаги 43-гимназия мактабида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари юзасидан "Президент асари билимдони" кўрик танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги мазкур мактабнинг "Нурли келажак" ва 38-гимназия мактабининг "Истиқлол фарзандлари" жамоалари ўзаро беллашдилар. Кўрик танловнинг биринчи босқичида ҳар икки жамоа томонидан тайёрланган рефератлар тақдим этилди.

Иккинчи босқичда иштирокчилар Президент асарлари ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятига оид саволларга жавоблар бердилар. Танлов сўнгида иштирокчиларга ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

ЎзМТДП Наманган шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Наманган маданият коллежида "Огоҳ бўлинг: ОИТС, наркомания ва жиноятчилик" мавзусида ёшлар акцияси ўтказилди. Аксия уч йўналиш, яъни расмлар танлови, давра суҳбати, саҳна кўринишлари бўйича бўлиб ўтди. Уларда мазкур иллатларнинг жирканч оқибатлари, инсон ҳаётини нечоғли залолатга бошлаши акс эттирилиб, ёшларни бундай балою офатлардан асраш кераклиги таъкидланди. Шаҳар ОИТС маркази ва Ички ишлар бўлими вакилларининг факт ва далилларга асосланган маълумотлари ёшларни янада сергакликка чорлади. Тадбир ниҳоясида йўналишлар бўйича ғолибларга ЎзМТДП шаҳар кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Вояга етаётган ёш авлод орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг кикбоксинг турининг оммавийлигини ошириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда барча ёшларни ягона маслак "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, пировард мақсадимиз" ғояси асосида бирлаштириш мақсадида яқинда Урганч шаҳар ҳокимлиги ва ЎзМТДП Урганч шаҳар Ижроия қўмитаси ҳамкорлигида Урганч нефть ва газ коллежи спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича вилоят очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 1991-1998 йилларда туғилган 100 дан зиёд ёшлар иштирок этдилар.

- Мақсадимиз ёшларни спортга доимий жалб этиш орқали уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдир,- дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Баҳодир Жуманиёзов. - Бу каби тадбирлар ёшлар орасида соғлом рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Мусобақада Урганч шаҳар Олимпия спорт мактаби ўқувчилари биринчи ўринни қўлга киритишган бўлса, Урганч туман ва Урганч шаҳар "Динамо" спорт мактаби ўқувчилари иккинчи ўринни, Хонқа туманидан келган ёшлар ва 20-сон Хива меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учинчи ўринга муносиб деб топилди.

- Бугунги мусобақа мен учун янада тажриба орттириш мактаби бўлди,- дейди 54 кг. вазнда биринчи ўринни қўлга киритган Санжар Саъдуллаев. - Бу муваффақиятим янги марралар сари йўл очиб беради. Бундай натижаларга эришишимизда энг аввало биз ёшларга яратилаётган шароитлар катта аҳамиятга эга.

**ФАОЛИЯТ**

## Бош мақсадимиз партия мавқеини ошириш

**Алишер РАҲМОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ЎзМТДПнинг вилоятдаги ташкилотлари фаол иштирок этишга интилмоқдалар. Бунинг исботини ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, шаҳар кенгаши фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, бу ерда талай хайрли ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур туман кенгашида 39 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, аъзолар сони 2450 нафарни ташкил этади.**

Партия сафига бирлашган аъзолар ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик билан Ватан тараққиёти, юрт истиқболи, миллат равнақи йўлида муносиб меҳнат қилишмоқда.

- Бўлиб ўтган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир: ўзини-ўзи бошқариш органлари сайловида партиямиз фаоллари сайловни юқори савияда ўтказишда муносиб ҳисса қўшдилар. Шу билан бир қаторда партиямиз Дастурига доир турли тадбирлар ҳам ўтказилаяпти, дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилфуза Ражабова.

— Яқинда шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган "Ўзбекистон бизнинг Ватанимиз", "Миллий ғоя маънавий ҳаёт" мавзуидаги тадбирларда ота-оналар, маҳалла, оқсоқоллари, турли идоралар вакиллари ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этдилар. Тадбир жараёнида ёшларнинг она-Ватанга садоқати, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, умумхалқ ишига садоқат ва фидойилик туйғулари билан ёндашиш борасида кенг фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шунингдек, ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш мақсадида давра суҳбатлари ҳам ўтказиляпти. Келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларимиз анчагина. Аввало аъзоларимиз сафини янада кенгайтириб, турли қатламдаги аҳоли қалбига йўл топишдир.

Вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотларининг ҳамкорликда ўтказаётган тадбирлари, шунингдек омма орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари партиянинг обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қиляпти, десак муболаға бўлмайди.

**УЧРАШУВ**

## Партия ва ёшлар

### уларнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланмоқда

**Илья Дильманов,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП Қўнғирот туман кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан "Ёшлар бизнинг таянчимиз ва келажагимиз" мавзусида маънавий-маърифий учрашув ўтказилди.

Туман ХТБга қарашли 43- сонли ўрта умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда туман кенгаши фаоллари, БПТ етакчилари, "Келажак овози", "Меҳр нури" танлови ғолиблари, туман ҳудудидаги мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар. Уни партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Мақсет Икметов кириш сўзи билан очиб, ўқувчи ёшларни тадбирдан кўзланган мақсад ва вазифалар билан таништирди. Нотиқ "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган масалаларни ҳаётга тадбиқ этиш партия фаолиятида устувор вазифа эканлигини таъкидлади.

- Қувонарлиси мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг самараси ўлароқ бугунги кунда уларнинг онг ва тафаккурида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда,- дейди у. - Келажакка бўлган ишонч ва умид уларни кўзланган мақсад сари дадил қадам қўйишларига даъват этмоқда. Ёшларимизнинг олимпиада ва халқаро мусобақалардаги иштироки, улар орасидан кўплаб истеъдод эгаларининг чиқиши, шунингдек, илм-фан ихлосмандларининг тобора кўпайиши фикримизни исботлайди. Партиямиз мақсади ҳам ёшларнинг улкан муваффақиятларни қўлга киритишида уларга маънан ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашдир.

Учрашувда, шунингдек,43-сонли мактаб деректори Жиенбой Байманов сўзга чиқиб, ўқувчилар қалбида она юртига, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, шунингдек халқлар маданиятини ўрганиш орқали улардан жамият равнақи йўлида унумли фойдаланиш ҳақида гапирди.

Учрашувда мактаб ўқувчилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

**ТАДБИР**

## Тинч яшаш ҳуқуқи

### ҳамма учун ва ҳамиша барҳаёт

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Жорий йилда бутун дунё жамоатчилиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлади. Мазкур ҳужжат ер юзидаги барча инсонларнинг фуқаролик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида илк бор тўла мужассам этган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат саналиб, унинг қоидалари республикамиз Конституцияси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган.**



Яқинда Тошкент Давлат Аграр университетида ЎзМТДП Ижроия Қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганига 60 йил тўлиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Конституциясида умумэътироф этилган қоидаларнинг акс эттирилиши" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этдилар.

Дастлаб тадбирни очган Тошкент Давлат Аграр университети ректори Кимсанбой Ҳожимуродов барчани умуммиллий байрам билан қутлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида конституциянинг аҳамияти, эркин фуқаролик жамияти қуриш ҳамда инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашда белгиланган мезонлар ва тамойиллар хусусида батафсил тўхталди.

Тадбирда иштирок этган ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Шоира Умарова, ЎзМТДП фракцияси, МК аъзолари Самидулла Маҳмудов, Асатилла Абдураҳимовнинг маърузаларида конституциямизнинг кенг миқёсли ислоҳотларни амалга оширишда ҳуқуқий мезон ва пойдевор вазифасини бажарувчи қомус эканлиги таъкидланиб, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, мамлакатимизда Декларация қоидаларининг бажарилиши ҳақида талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

- Бундан бир қанча вақт муқаддам БМТ томонидан барча халқ ва давлатлар бажариши керак бўлган вазифа сифатида мазкур Декларация эълон қилинар экан, бундан муддао ҳар бир инсон ва жамият унда белгиланган қоидаларни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан ундаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали бажарилишининг таъминланишига эришишга даъват этилган эди,-дейди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманнинг Тошкент вилояти бўйича вакили, ТошДАУ проректори Лазиза Ғофурова. - Бугун ҳам Декларация ўз долзарблигини йўқотмаган. Бизнинг асосий вазифамиз эса уни янада чуқурроқ ўрганишдир.

- Мазкур тадбирнинг биз талабалар учун аҳамияти жуда катта бўлди,- дейди, ТошДАУ қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети талабаси Фарҳод Мусиров. - Ундан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир миллий ва халқаро меъёрлар, уларнинг амал қилиш механизмлари ҳақида кўплаб янги маълумотлар олдим. Уларни наинки билиш, балки одамлар билан ўзаро муносабатда, жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасида қўллай билишни ҳам ўрганишимиз лозим. Юртимиз истиқболи бизга боғлиқ экан, бундай билим ва кўникмаларга эга бўлиш биз ёшлар учун жуда зарурдир.

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ - БОШ ТАЯНЧИМИЗ**

## Эл-юрт фаровонлиги йўлида

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

"Дарғом" фермер хўжалиги Сирдарё вилоятининг тупроқ ва иқлим шароити анча оғир бўлган Мирзаобод туманидаги Ғанишер Юнусов номли фермер хўжалиги уюшмаси ҳудудида жойлашган. Фермер хўжалигига "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси, халқ депутатлари Мирзаобод тумани кенгаши депутати, БПТ етакчиси Яхшибой Абдувосиев бир неча йиллардан буён раҳбарлик қилиб келади. Хўжалик ҳудуддаги пахтачиликка ихтисослашган 42 та фермер хўжалиги орасида энг илғор жамоалардан саналади. Бугунги кунда 12 нафардан иборат жамоа аъзоларининг барчаси партиямиз сафида.

Бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳамжиҳатликда иш юритаётганлиги боис хўжалик иқтисоди йилдан йилга юксалиб, равнақ топиб бормоқда. Улар 2008 йилни катта меҳнат натижалари билан якунламоқдалар. 23 гектар майдонда "оқ олтин" етиштирган жамоа давлатга режадаги 40 тонна ўрнига 49 тонна юқори сифатли пахта топшириб, шартномавий режани 122 фоизга бажардилар.

Албатта, натижага яраша даромад деганларидек, меҳнат ортидан келган фойда ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг моддий шарт-шароитларини яхшилаш ишларига сарфланмоқда. Мана бир неча йилдирки, хўжалик аъзоларига коммунал тўловларда қатор қулайликлар яратилган. Фермер хўжалиги уларнинг фойдаланган электр-энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал тўловларини тўлашни ўз зиммасига олган.

Жамоа аъзоларига бундай қулайликлардан ташқари ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат, дала юмушларида асқотадиган махсус кийимбош бепул бериб келинади. Яхши ишлаган, ҳалол меҳнат қилган аъзолар мўмайгина иш ҳаққидан ташқари, тез-тез пул мукофотлари билан ҳам тақдирланиб турилади. Устига устак хўжаликнинг ҳар бир аъзоси йил якунида иш ҳақига қўшимча равишда пахта ёғи, шахсий чорваси учун кунжара, шулха ҳам оладилар.

БПТ фаолларининг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари туфайли фермер хўжалиги "Баҳористон" қишлоғидаги 12 нафар кам таъминланган оилани ўз оталиғига олиб, мунтазам равишда моддий ёрдам бериб келмоқда. Яқинда қишлоқдаги битта камхарж, эҳтиёжманд оилага ҳам бир бош соғин сигир ажратилди. Бу саховатдан хонадон эгалари мамнун бўлдилар. Бошланғич партия ташкилоти аъзолари қишлоқ ёшларини доимий иш ўринлари билан таъминлаш ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Яқинда тўрт нафар ёшлар шу жамоага, яна олти нафари эса бошқа фермер хўжаликларига ишга қабул қилиндилар. Партия фаоллари айни кунда қишлоқдаги бўш ётган бинони қайта таъмирлаб, маҳсулотни қайта ишлаш кичик корхонасини ишга туширишни режалаштирмоқдалар. Агар бу хайрли иш амалга ошса, биринчидан кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланади ва эл-юрт дастурхонига қут-барака киради, иккинчидан йигирма нафар ёшлар иш билан таъминланади. Жамоа ва бошланғич партия ташкилоти етакчиси Яхшибой Абдувосиев бош-қошлигида қилинаётган амалий ишлар ҳақида жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими ташаббускор, ғайратли БПТетакчиси ўз ортидан кўплаб қишлоқ ёшларини эргаштирмоқда. Бу эса партия сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

# Тошкент вилоятининг юксак салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш — долзарб вазифа

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоятда саноат соҳасини модернизация қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги икки йил давомида Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос» заводида минерал ўғитлар, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатида катанка ва электрод ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилгани, Ўртачирчиқ туманида полиэтилен плёнкаси тайёрлайдиган корхона фаолияти йўлга қўйилгани ва бошқа мисоллар шундан далолат беради.

Вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида кейинги пайтда 9,7 миллион доллар қийматидаги 20 дан ортиқ минитехнология олиб келиб ўрнатилгани ва ишга туширилгани ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Ўтган давр мобайнида вилоятда шаҳар-қишлоқларнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда, айниқса, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини ривожлантириш, аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш ва юксалтиришга қаратилган йирик лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз вилоят аҳлининг меҳнати билан эришилаётган ана шундай ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, йиғилиш иштирокчилари эътиборини вилоят олдида турган, аммо айрим сабабларга кўра бажарилмасдан қолган ишлар, ечилмаган муаммоларга қаратди. Чунки бугунги кескин рақобат шароитида ўсиш суръатларини йўқотмаслик, халқимизнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш биздан, аввало, ўз зиммамиздаги вазифани қандай бажараётганимиз, қилаётган ишларимизга танқидий баҳо беришни, йўл қўйилган хато ва нуқсонларни, ҳал этишга қурбимиз етмаган масалаларни ўз номи билан айтиш ва тўғри хулоса чиқаришни талаб этади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шу кўз билан қараганда, Тошкент вилоятининг иқтисодий ўсиш суръатлари бугунги кунда қониқарли эмас. Сессияда бу ҳақда атрофлича фикр юритилиб, мавжуд камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Аввало, вилоятда жойлашган республика аҳамиятига молик корхоналарни истисно қилганда, аксарият туманларда саноат соҳаси ривожида жиддий оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Масалан, Оҳангарон, Паркент, Пскент, Бўка, Бекобод ва Оққўрғон туманларида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 0,4-0,7 фоиз даражасида қолиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги саноат корхоналарининг 18 таси, жумладан, Чирчиқдаги "Бурсел Тошкент текстил", Ангрендаги "Саноат-қалинқоғозсавдо" корхонаси, "Оҳангарон шифер" акциядорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 192 миллиард сўмга пасайтириб юборган.

Вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича муайян ишлар бажарилган бўлса-да, Оққўрғон, Бекобод ва Бўка туманларида ўтган даврда бундай инвестициялар умуман жалб қилинмаган. Ана шундай камчиликлар туфайли вилоятда шу йилнинг 9 ойи давомида экспорт ҳажми 4,7 фоизга пасайган, маҳаллий тасарруфдаги корхоналарнинг экспортдаги улуши эса атиги 3,4 фоизни ташкил этмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ва касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Буни Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми республика миқёсида 15,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, Тошкент вилоятида атиги 0,22 фоиздан иборат бўлиб қолаётгани яққол кўрсатиб турибди. Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, жорий йилда 5 та лойиҳа бўйича умуман иш бошланмаган, 8 та лойиҳа бўйича эса белгиланган ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида йирик корхоналардаги касаначилик ҳисобидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши ярим фоизни (0,2 фоиз) ҳам ташкил этмаган.

Президентимиз яна бир муҳим масала – ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш борасида оқсоқлик ҳолатлари кўзга ташланаётгани ҳақида тўхталиб, ҳисобот даврида Тошкент тумани Кўктерак қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи, Олмалиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Бўка, Паркент ва Пскент туманларидаги бир қатор таълим муассасаларида қурилиш, таъмирлаш ишлари юқори ташкилотларнинг аралашувидан кейингина якунига етказилганини айтиб ўтди. Бундан ташқари, қурилиш билан боғлиқ тендер савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёни вилоят раҳбарияти томонидан назоратга олинмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилганига ҳам мажлисда эътибор қаратилди. Ана шундай ўзибўларчилик кайфиятидан айрим нопок кимсалар фойдаланиб қолишга уринган. Хусусан, вилоят Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг собиқ раҳбари А.Рашидов тендер ғолиблигини фақат ўзи манфаатдор бўлган пудрат ташкилотларига бериб келган. Шу борада вилоят "Иссиқлик манбаи" корхонаси раҳбари О.Саидов ва «Ҳаракат-замон» хусусий фирмаси бошлиғи Х.Курганбаев ўзаро жиноий тил бириктириб, ижтимоий объектларни капитал таъмирлаш учун ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириб, давлатга 254 миллион сўмлик зарар етказган. Бундай қонунга хилоф ишлар юзасидан республика ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан айбдорлар жавобгарликка тортилгани ҳақида йиғилишда маълум қилинди.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, вилоятда бу борадаги аҳвол ҳам талаб даражасида эмас. Жорий йилнинг биринчи ярмида 7 та туман ва шаҳарда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилганда, 2 минг 500 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Тижорат соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга барча имконият ва имтиёзларни яратиб бериш ўрнига вилоятда бунга тескари бўлган ишлар кузатилмоқда. Шунинг натижасида бошқа вилоятларга нисбатан катта устунлиги бўлган Тошкент вилоятида ҳалибери кўпгина туманлар молиявий дотацияда қолиб келмоқда.

Вилоят иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигидаги, айниқса, пахтачиликдаги аҳвол ҳаммамизни, аввало, умид билан далада меҳнат қилаётган заҳматкаш деҳқонларимизни қониқтирмайди, деди Юртбошимиз.

Бу йил ишни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилмагани, жумладан, йиғим-терим мавсумида сафарбарлик ва уюшқоқлик етишмагани туфайли пахта тайёрлаш бўйича белгиланган режа 87 фоизда қолиб кетди, ҳосилдорлик эса 25,5 ўрнига 22,3 центнерни ташкил этди, холос.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги яна бир етакчи тармоқ – ғаллачиликдаги аҳвол ҳам Президентимиз томонидан кенг таҳлил қилинди. Бу соҳа ривожи йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг туб илдизлари кўрсатиб берилди. Соҳада авваламбор, ишни замонавий усулда ташкил қилиш, илғор агротехнологияларни жорий этиш, серҳосил навларни танлаб экиш ва шу асосда ғаллачиликнинг самарасини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Кейинги уч йил давомида ғалла ҳосилдорлиги республика бўйича ўртача 41 центнерни ташкил этгани ҳолда, вилоятда бу кўрсаткич 38 центнердан ошмаяпти.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда атрофлича тўхталиб, биринчи навбатда ерга муносабат, бугун замон талаб қиладиган мулкчилик соҳасида ислоҳотларни ўз вақтида ва оқилона амалга ошириш, одамларда мулкдорлик ҳиссиётини тарбиялаш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш, айниқса, фермерлик ҳаракатини чуқур ўйланган ва асосланган дастур бўйича ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Аммо Тошкент вилоятида фермерларга керакли имтиёз ва шароитларни яратиб бериш масаласида оқсоқлик ва шошма-шошарлик ҳолатларига, айрим туманларда ҳатто қонунга хилоф ишларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Шу муносабат билан Президентимиз бугунги фермер қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши зарурлигига алоҳида урғу бериб, фермерлар аввало ернинг, деҳқончиликнинг сир-асрорини пухта билиши керак, деди. Шундай хусусиятга эга бўлмаган тасодифий кишилар фермер бўлишга ҳаққи борми, деб масалани қатъий қўйиш пайти келди. Чунки табиатан деҳқончилик илмидан узоқ бўлган, билими ва тажрибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди.

Бугунги ҳақиқий фермерни универсал деҳқон, деб атасак, арзийди, албатта. Яъни, ҳақиқий фермер нафақат қишлоқ хўжалигини, деҳқончиликни, керак бўлса, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий масалаларни, энг муҳими, тупроқ сирини биладиган, замонавий техника билан муомала қила оладиган, ер билан тиллашишга тайёр инсон бўлиши даркор. Фақат шундай инсонларга беқиёс бойлигимиз бўлмиш ерни ишониб топшириш мумкин. Лекин, афсуски, Тошкент вилоятида бу масалага панжа орасидан қаралиб, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни талон-торож қилишдек салбий ҳолатларга йўл қўйилмоқда, деди Ислом Каримов.

Масалан, Янгийўл туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган 21 гектар унумдор ер қонунга зид равишда уй-жой қуриш учун ажратиб берилган. Ушбу ҳолатни яшириш мақсадида бу жой янгитдан ташкил этилган фермер хўжаликлари номига шунчаки расмийлаштириб қўйилган. Вилоят раҳбарлари эса бу масалада гўёки бехабардек, томошабин бўлиб турган. Фақат юқори идоралар аралашганидан сўнг ана шу қонунбузарлик аниқланиб, туманнинг собиқ ҳокими Қ.Пайзиев вазифасидан четлатилган ва жиноий жавобгарликка тортилган.

Қибрай тумани ҳокими Ш.Икромов ҳам амалдаги қонунчиликни қўпол равишда бузиб, 1,2 гектар кўп йиллик боғни уй-жой қуриш учун бериб юборган. Шунингдек, мазкур туманда ўтказилган текширишларда 6 та агрофирма ҳудудида 13 гектар боғ ўзбошимчалик билан бузиб ташланиб, бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани аниқланган. Ҳозирги вақтда бундай бемаъни ишларга чек қўйиш бўйича тегишли идоралар томонидан чоралар кўрилмоқда.

Тошкент тумани ҳокими С.Темиров қонунга хилоф тарзда Сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига тегишли 10 гектар суғориладиган экин майдонини уй-жой қуриш учун бериб юборган, шу туманнинг Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1,2 гектар суғориладиган ер майдони ҳам уй-жой қуриш мақсадида айрим шахслар томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган, лекин туман раҳбари бу ерни давлатга қайтариш борасида ҳеч қандай чора кўрмаган.

Оҳангарон тумани собиқ ҳокими О.Ибрагимов томонидан эса қумшағал карьери ва завод қурилиши учун 10 гектар ер майдони юқори идоралар билан келишилмасдан, ўзбошимчалик билан "Авиасаноат индустрия" хорижий корхонасига ажратиб берилган. Шу тумандаги "Олмалиқ" ёрдамчи хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия раиси Б.Ачилов 16 гектар ер ажратиб бериш эвазига фуқаро А.Бадаловдан 900 АҚШ доллари миқдорида пора олаётганида ушланган.

Умуман, вилоятда ер билан боғлиқ қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан 2007 йилда 24 та, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида эса 40 та жиноят иши қўзғатилган ва айбдорлар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Маълумки, юртимизда фермер хўжаликларининг ерларини тартибга келтириш, уларни оптималлаштириш масаласида Президентимиз томонидан махсус фармойиш қабул қилиниб, унда белгилаб берилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳозирги кунда бутун мамлакатимизда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сессияда шу борадаги вазифалар яна бир бор таъкидланиб, ер майдони 15-20 гектаргача бўлган фермерларнинг йиллик фойдаси 5-6 миллион сўмдан ошмаётгани ва бу маблағ фақат жорий харажатларни қоплашга сарфланаётгани боис фермерда янги техника сотиб олиш, ернинг унумдорлигини ошириш, агротехник тадбирларни сифатли бажариш учун имконият етарли бўлмаслигига эътибор қаратилди. Шунинг учун пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонини Тошкент вилоятида 60 гектардан 85 гектаргача етказиш бўйича иш олиб борилаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз бу ўта муҳим ва долзарб масалада ҳар томонлама ўйлаб, ҳар қайси минтақа ва ҳудуднинг шароитига қараб иш тутиш, энг муҳими, фермер хўжаликларининг оптимал ер майдонини аниқлашда фермер хўжалигини ташкил қилмоқчи бўлган шахснинг салоҳияти, тажрибаси ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, иш тутиш, таъбир жоиз бўлса, етти ўлчаб бир кесиш зарур, шундагина бу ўзгаришлардан кутилган натижа ва самарага эришиш мумкин, деб таъкидлади.

Президентимиз сессия иштирокчилари эътиборини вилоятда пахтачилик бўйича оқсоқликка олиб келаётган яна бир масалага қаратди. У ҳам бўлса, маҳаллий шароитга мос келадиган, сифатли тола берадиган янги навларнинг яратилмаётгани билан боғлиқ. Бу ҳақда кўп бор айтилганига қарамасдан, мазкур масалада сезиларли ўзгаришлар кузатилмаяпти.

Ҳолбуки, Тошкент вилояти ҳудудида 9 та илмий-тадқиқот бирлашмаси, нуфузли институт ва марказлар жойлашган. Масалан, "Пахта" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги бирлашмаси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институти ва бошқа йирик илмий муассасалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлайдиган энг йирик олий ўқув юрти – Тошкент аграр университети ҳам айнан шу ерда жойлашган. Мажлисда Тошкент вилояти раҳбарияти, мутасаддилари ва фаоллари ана шу илмий даргоҳларда хизмат қилаётган олимлар билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил қилиши зарурлиги қайд этилди. Бу масалани охиригача етказиш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти масъулиятни ўзига олиб ташаббускор бўлиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Президент Ислом Каримов вилоятда ижтимоий соҳадаги мавжуд аҳвол таҳлилига ўтар экан, бугун амалга оширилаётган барча ислоҳот ва янгиликларнинг самараси аввало уларнинг одамлар ҳаётига қандай таъсир ўтказаётгани билан, вилоятда истиқомат қилаётган 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли бу ўзгаришларни ўз дастурхонида, оиласида, турмуш тарзида қанчалик сезаётгани, эртанги кунга ишончи қай даражада мустаҳкам бўлиб бораётгани билан ўлчанади, деб таъкидлади.

Ўтган даврда маҳаллий ҳокимлар ва мутасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги ва совуққонлиги туфайли 1991 йилгача қурилган кўпқаватли уйларни капитал таъмирлаш режаси Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен шаҳарлари, Бўка ва Оққўрғон туманларида бажарилмасдан қолган. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Ширкатларнинг моддий-техник базасини шакллантириш, уларга банк кредитлари ажратиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Оқибатда уларга юклатилган вазифалар тўлиқ ва сифатли бажарилмаяпти. Бу ҳолат Ангрен, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларида айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

Бошқарув ва назорат ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани натижасида вилоятдаги 12 та шаҳар ва туман марказлари учун аҳолига иссиқлик энергияси етказиб берадиган вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси банкротлик ҳолатига келиб қолган. Лекин вилоят раҳбарияти бу корхонани молиявий инқироздан чиқариш, соғломлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш ўрнига, уни ўз қарори билан тугатиб юборган. Бу корхонанинг вазифаси эса шаҳар ва туманлардаги қозонхоналар зиммасига юклатиб қўйилган. Ишга шундай муносабат оқибатида 2008 йилнинг 1 ноябригача барча турдаги коммунал хизматлар учун тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзлар тахминан 100 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 45 миллиард сўмга ошиб кетган.

Мажлисда шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан бирга Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида коммунал соҳа бўйича мавжуд аҳволни, қиш фаслида яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиши ва хулоса чиқариши зарурлиги қайд этилди.

Сессияда Тошкент вилоятидаги энг ўткир муаммолардан бири бўлмиш аҳолини, аввало ёшларни иш билан таъминлашнинг аҳволи ҳам таҳлил этилди.

Ҳозирги вақтда вилоятда рўйхатга олинган ишсизлар сони 45 минг кишини, вақтинчалик ишларда банд бўлганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 70 минг нафардан ортиқни ташкил этмоқда. Айниқса, Оҳангарон, Бекобод, Оққўрғон, Пскент, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида янги иш ўринлари яратиш, шунинг ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи қониқарсиз бўлиб қолаётгани бўйича танқидий фикрлар билдирилиб, бундай ҳолатлар юзасидан амалий чоралар кўриш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Шундан сўнг Президентимиз ўтган давр мобайнида Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида йўл қўйилган камчилик ва хатолар, бугунги кундаги барча соҳаларда қониқарсиз аҳволнинг илдизлари ҳақида атрофлича тўхталиб, энг асосий сабаб аввало, ҳар қайси раҳбар, кўпгина фаолларнинг ўз вазифасига совуққонлик, масъулиятсизлик билан қарашида, ўз ишини ташкил қилишга қурби етмаслигида, уларнинг замон талабларига жавоб бера олмаслигида, бир сўз билан айтганда, уларнинг заифлигида кўринмоқда, деб афсус билан қайд этди.

Кейинги вақтда ўз ишида катта нуқсонларга йўл қўйгани учун Олмалиқ шаҳар ҳокими А.Зокиров, Паркент тумани ҳокими А.Азаматов, Ўртачирчиқ тумани ҳокими М.Тиллабоев, Юқоричирчиқ тумани ҳокими А.Ғаппаров эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Вилоятда юзага келган аҳвол аввало, вилоят раҳбариятида, хусусан, биринчи раҳбарда талабчанлик ва қатъиятнинг етишмаслиги, унинг ишни тўғри ташкил қилишда заифлик қилгани билан боғлиқ. Айнан ана шундай камчиликлар аксарият ҳолларда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, ўта бўш шахсларни раҳбарликка тайинлашга сабаб бўлгани мажлисда кескин танқид қилинди. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятдаги 107 нафар мансабдор шахс турли қонунбузарликларга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Юртбошимиз вилоятда истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масаласи қониқарсиз аҳволда эканини таъкидлаб, Тошкент вилояти ҳокимлигининг тавсиясига кўра, 1996-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 38 киши битиргани, улардан 17 нафари ўз жойига, 2 нафари ундан ҳам қуйи лавозимларга ишга тайинлангани, 2 нафари эса умуман иш билан таъминланмаганига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари бундай камчиликлар ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, юқорида зикр этилган муаммоларнинг ечилмасдан қолаётгани кўп жиҳатдан вилоят раҳбарияти, биринчи навбатда 2006 йилдан буён Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Зиявитдин Ниёзовнинг фаолияти талаб даражасида бўлмагани, очиғини айтадиган бўлсак, бу шахснинг раҳбарлик масаласида заиф экани билан боғлиқ, деб таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. З.Ниёзов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Қуйичирчиқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рустам Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз мажлисга якун ясар экан, кириб келаётган янги – 2009 йил юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинишининг Тошкент вилояти учун алоҳида аҳамияти ва моҳияти борлиги ҳақида тўхталди. Нега деганда, Тошкент вилояти – Ўзбекистоннинг марказий вилояти, у ўзининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлишни ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир. Шунинг учун бугун сиз, азизларга, вилоятнинг барча фаоллари ва фидойиларига, кўпмиллатли воҳа аҳлига қарата айтмоқчиман: Тошкент вилояти ҳеч қачон орқада юришни ўзига маъқул топмаган ва Ватанимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида мана шундай дастурларни амалга оширишда ҳам ўзининг нималарга қодир эканини албатта намоён этади, деди пировардида Ислом Каримов.

(ЎзА)

# МАЪНАВИЯТ

БАЙРАМ

## Янги йил томошалари бошланди

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

**Бугун Мустақиллик майдонида бўлган киши ўзини Янги йилнинг эртаклар шаҳарчасига келиб қолгандек ҳис этади. Ғаройиб уйчалар, ҳалинчак учаётган Қорқиз, совға улашаётган Қорбобо, рақсга тушаётган Айиқ полвон, Қуённи пойлаган Бўривойнинг саргузаштлари... Ранг-баранг чироқлар билан безатилган улкан арча атрофида болаларнинг шўх-шодон кулгилари, куй-қўшиқ, театрлашган томошалар авжида.**



Янги йил кириб келмоқда. Уни каттаю кичик, айниқса, болалар интиқлик билан кутади. Мустақиллик майдонида бунёд этилган "Эртаклар шаҳарчаси"да кичкинтойлар учун Янги йил байрами томошалари бошланди. Турфа ўйинчоқлар, совғалар, китоблар, ўқув қуролларининг кўргазма-ярмаркаси ишлаб турибди.

2009 йилнинг 10 январига қадар давом этадиган театрлаштирилган шодиёналар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва бир қатор ижодий жамоалар томонидан ташкил этилди.

"Эртаклар шаҳарчаси"дан жой олган улкан арча атрофида болаларнинг шодон ўйинлари авжида. Бу ерга таклиф этилган мактабгача таълим масканлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг қувончи чексиз. Болалар адабиётлари, ўқув қуроллари, турли совғаларнинг кўргазма-ярмаркаси ишлаб турибди.

- Янги йил байрамига барча театр жамоалари алоҳида тайёргарлик кўрган, - дейди "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев. - Ҳар куни театрлаштирилган дастурлар намойиш этилади. Шу билан бирга, эстрада, цирк, хореография усталари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, турли кўрик-танловлар, фестивалларнинг ғолиблари, ёш ижрочилар иштирокидаги концертлар, мусиқий томошалар болалар эътиборига ҳавола этилади. Айни пайтда ўқувчилар учун турли қизиқарли викториналар, интеллектуал беллашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

- Янги йил болаларнинг энг севимли байрами, - дейди пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйи директори Дилафрўз Жуманова. - Ушбу қувончли байрамга юксак савияда тайёргарлик кўрилгани юртимизда ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир. Ёшлар йилида бизнинг таълим масканимиз капитал таъмирланди. Моддий-техник базаси янада мустаҳкамланди.

- Мустақиллик майдонини юртимиздаги ҳамма болалар жуда яхши кўради, - дейди Тошкент шаҳридаги 58-мактаб ўқувчиси Азиз Муқимов. - Катта арча, Қорбобо ва Қорқиз, ранг-баранг безаклар билан майдон янада чиройли бўлиб кетибди. Синфдошларим билан янги йилга аталган концертлар, томошаларни кўрдик. Улар жуда завқли ва қизиқарли.

Байрам сайли тарзида ўтказиладиган Янги йил шодиёналари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва истироҳат боғларида, маданият саройларида, майдон ва хиёбонларда ташкил этилмоқда.

ЮЗМА-ЮЗ

Тўмарис АЪЗАМ,
«Milliy tiklanish» мухбири

## Болалар адиби

### дунёга бола кўзи билан боқиши зарур

**ЎЗБЕКИСТОН халқ шоири Анвар Обиджон оҳанг ва услуб жиҳатидан равон, теран мазмунли асарлари билан ўзбек болалар адабиётида янги йўналишни шакллантирди, ўзига хос мактаб яратди. Унинг замонавий, содда ва таъсирчан шеърлари ва ҳикоялари ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбияламоқда. Устоз шоирга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.**

**- Ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий ғурурни шакллантиришда адабиёт ва санъат қандай аҳамиятга эга?**

- Миллий ғурур деган гапни кўп ишлатамиз. Аммо унинг замирида қандай тушунча ётганини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Миллатнинг миллат, халқнинг халқ бўлишида, бир юрт барпо этишда миллий ғururнинг аҳамияти жуда катта. Оила шаънини асраб, авлод-аждоди руҳини оёқ ости қилмасдан орномусини сақлаш- бу ғурур дейилади. Ҳар бир халқнинг миллий ғурури бўлиши шарт. Ҳамма нарса етарли-ю, агар ғурур бўлмаса буларнинг бариси омонатга ўхшайди. Миллий ғурур бор экан, оддий тадбиркор ҳам юрт номини дунёга ёйиши мумкин. Мисол учун, етиштираётган маҳсулотимизни дунё бозорига олиб чиқсак, бизнинг ҳам молларимизни талашиб олишади, бунга албатта эришамиз, деб ўз олдига олий мақсад қўйиш ҳам — ғурур. Тараққиёт, ободончилик, қут-барака миллий ғурур билан чамбарчас боғлиқ. Аксинча инқироз ҳам, вайронагарчилик оқибатида кимларгадир қарам бўлиб қолишининг бош сабаби ҳам миллий ғururнинг йўқлигида.

**- Баркамоллик туғма бўлиши мумкинми?**

- Туғма баркомаллик жуда кенг тушунча. Инсоннинг ҳар ёқлама етук бўлиши баркамоллик дейилади. Унга ҳар қандай инсон эришиши мумкин. Бу эса албатта кўп меҳнатни, ўқишни, изланишни, ўрганишни талаб этади. Аммо, туғма баркамоллик бошқача бўлади. Асли ҳар соҳада туғма истедод бўлиши мумкин. Бу фақатгина адабиёт ёки санъатга тааллуқли эмас. Баъзиларни туғма футболчи дейишади. Ёки футбол мактабида ўқиб, катта-катта мутахассислар қўлида футбол сирларини ўрганиб, ўртача бўлиши ҳам мумкин. Ҳамма Жанубий Америка мамлакатлари футболчиларини мақташади. Улар бирор бир мактаб кўрмасдан, қумда футбол ўйнаб, энг зўр футболчилар бўлиб етишишади. Бундан кўриниб турибди-ки, агар инсонда истеъдод бўлмаса ҳар не қилмасин, бефойда. Туғма истеъдодни бирор ишга сафарбар этишда кўпинча меҳнат, шароит, атрофдагиларнинг таъсири катта роль ўйнайди. Тарихимиздан маълумки, зеҳнли ёшларни имконияти бор шахслар оталиққа олиб, устозлик қилиб, унга ҳар томонлама етук инсон бўлиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беришган. Кўплаб буюк инсонлар ана шу кичик туртки орқали ўз йўлини топиб олган. Афсуски кўплаб истеъдод эгалари ёрдамга, суянчиққа муҳтож бўлиб, ўзларига умуман ёт бўлган, қизиқмаган соҳага кириб кетишган.

**- Сизнинг ижодингизда катталар ва болалар адабиёти ниҳоятда гўзал ва табиий тарзда уйғунлашган.**

- Жаҳон миқёсида олиб қараганимизда болалар адиблари жуда кам. Болаларнинг ўз тили, дунёси, феъл-атвори бор. Агар



ижодкорлар болалар оламга қайси кўз билан қарашини ҳис қилмаса жажжилар билан тиллаша олмайди. Болалар адибларида албатта боланинг қандайдир бир хусусияти бўлиши керак. Шеърларим, қиссаларим, пьесаларимнинг асосий қисмини фарзандларим кичиклигида ёзганман. Ҳар куни улар билан мулоқотда бўлиш ижодимда енгиллик яратарди. Болаларим улғайгани сари ижод қилишим қийинлашди. Асли бошида катталарга ёзганман кейинчалик дарсликларга шеърлар ёзиб икки томонлама ижод қилганман. Кейинчалик кўпроқ катталарга ёза бошладим. Набираларим туғилгандан сўнг яна болалар учун ёзишни давом эттирдим. Чунки гўдакларнинг тили, беғубор феъли кўз олдимда янгидан пайдо бўлди. Улар билан мулоқотда бўлиш мени ижод қилишга ундади. Болалар адабиётининг бугунги аҳволига келсак ҳеч қачон жуда зўр, уларга тегишли барча мавзулар ёзиб бўлинди ёки ёзиляпти деб мақтаниб бўлмайди. Қониқиш ҳосил қилсак тўхтаб қоламиз. Болалар учун ҳамма бирдек ҳаракат қилиши зарур. У оиладами ёки адабиёт, санъат соҳасида бўладими фарқи йўқ. Биз ўз ижодимиздан қониқмасдан улар учун янада яхшироқ, кўпроқ эзгулик яратишимиз керак. Айни пайтда электроника ривожланиб бормоқда. Кўчадаги катта-кичикнинг барисида мобиль телефонлар бор. Мобиль алоқага кучли қизиқишни инобатга олиб, янги нашрдан чиққан китоблар ҳақида маълумот ёки улардан парчаларни телефонларга жойлаштириш йўлларини топиш мумкин. Болаларга билим бериш, уларни қизиқтириш учун, телефон, компьютер, интернет — умуман, техниканинг ҳамма турларидан фойдаланишимиз зарур.

**- Мен сизнинг болалар киноси ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдим.**

- Киносаноатимиз ривожланиб бормоқда. Баъзан ҳатто ҳафтада битта янги фильм тақдимоти ўтказиляпти. Болалар учун фильмлар ишлаб чиқариш илгари ҳам мақтанадиган даражада эмас эди. Болалар адиблари кам бўлганидек, уларнинг оламини тушунадиган режиссёрларни топиш ҳам мушкул. Хусусий студиялар ҳам негадир болалар мавзусига етарли даражада мурожаат қилишмаяпти.

Ундан кўра, болалар учун яратилаётган яхши асарларни кўпайтириш, тарғиб қилишнинг замонавий усулларини излаш зарур. Токи, умид билан ўстираётган фарзандларимизни туғилган юрти ва оиласига меҳр-оқибатли, мамлакат тақдири учун масъулиятли, истиқлол ғояларига садоқатли комил инсонлар бўлиб улғайишларида учун адабиёт ва санъатнинг таъсирчан қудратидан унумли фойдаланайлик.

ТААССУРОТ

Суҳроб АКБАРОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

## "Алпомиш"ни ўқиб...

**Болалик чоғларимда бувимдан кўп эртаклар, достонлар эшитганман. "Алпомиш"ни айтиб берганларида кўз ўнгимда гавдали, басавлат, паҳлавон мерган йигит намоён бўлган. Кейинчалик мактабда ўқиб юрган кезларимда бу достонни ўзим ўқиганман. Аммо, бир оз тушунишга қийналганман. Балоғат ёшига етгач эса Алпомишдек паҳлавон бўлишни орзу қилганман.**

1998 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганидан сўнг, бутун Ўзбекистонда "Алпомиш" қайта туғилгандек бўлди. Чунки радио, телевидение, газета, журналларда, яъни барча оммавий ахборот воситаларида кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлана бошланди. У ҳақда фильм ҳам яратилди. Жуда кўп анжуманлар ўтказилди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида "Алпомиш ва Барчиной" тест мусобақалари ташкил этилди.

Эътибор бериб қарасам, халқимиз тилида ва дилида яшаган "Алпомиш" "Маҳобхорат", "Рамаяна", "Шоҳнома" каби буюк асарлар қаторидан жой олганини сездим. Чунки унда халқимизнинг ўзига хос анъаналари, миллий қадриятларимиз тараннум этилган.

Шу йил ноябрь ойида устозларимиздан халқ оғзаки ижоди бўйича олган назарий билимларимизни мустаҳкамлаш мақсадида доцент Омонилла Мадаевнинг саъй-ҳаракатлари билан Қашқадарё-Сурхондарё бахшилик мактабининг йирик вакили бўлган марҳум Қодир бахши Раҳимовнинг ўғиллари-Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов ҳамда Баҳром бахшилар билан учрашув ўтказдик. Бахшиларнинг тилидан куйланган достонлар ва термалар "Алпомиш" ҳақидаги тасаввуримни янада бойитди. Айниқса бахшининг халқ оғзаки ижоди намуналаридан айтишуви бир неча соат давом этди. Бир вақтнинг ўзида ҳам наср, ҳам назмда куйланган достонлар талабаларни жуда ҳайратлантирди.

"Алпомиш" достонида Сурхон воҳасининг Бойсун тумани ҳақида гапирилиб, у тарихда Хўжаиқанд деб номланганига таъриф берилади. Алпомишнинг авлодини айтадиган бўлсак, бош бобосини Добонбий дейишар, Добонбийнинг Олтинбий деган ўғли бор эди. Олтинбийдан икки ўғил бўлиб, бирови Бойбўри, иккинчиси Бойсари эди дейишади. Ҳар бир элнинг ўз урф-одати бўлганидек, достонда "ҳар бир одам ҳели-хешти, етти пуштини билиши керак" деган нақлга амал қилингани сезилиб туради.

Бойбўри билан Бойсарининг тўйга бориш воқеаси жуда таъсирчан. Улар тўйга боришганида, отларини ҳеч ким ушламайди, қўлларига сув қуймайди, тўрга таклиф ҳам қилишмайди. Бизни ҳеч ким менсимади, деб ўйлаган акаукага ошни тагидан сузиб келтиришади. Бундан ҳайрон қолган бийлар сабабини сўрашганда, бир киши "Бул тўй ўғилликнинг ўғлидан қайтади, қизликнинг қизидан қайтади, сенларнинг нимангдан қайтади?", дейди. Мана шу воқеа — бир чапани киши томонидан юзхотирсиз қилинган аччиқ ҳақиқат достондаги воқеаларнинг кейинги ривожига катта туртки бўлган.

Ака- ука бой-бадавлат бўлишига қарамай, фарзанди йўқлигидан қаттиқ ўкинади. Бойбўри укасига: "Сендаям бир зурриёд бўлмаса, мендаям бир зурриёд бўлмаса, ким бўлиб ўтамиз бу ноқис дунёдан. Оллоҳдан тилайлик: Ҳизр юрган чўлларга гашт қилайлик",- дейди ва туш кўради. Воқеа шу тарзда ривожланади...

Достонда Қултон қиёфасидаги Алпомиш ва Бойсун-Қўнғиротнинг ҳукмдори бўлмиш Ултонтознинг онаси Бодомбикач ўлан айтишади. Бу жамиятдаги тенг ҳуқуқлиликдан далолат беради.

Ёки бўлмаса Барчиннинг алпларга шарт қўйиши ҳам жуда қизиқарли тасвирланган. У "ё биримизга тегасан, ё баримизга тегасан" дея ҳоли жонига қўймаган алплардан Алпомишни кутиш учун сўраб олган олти ойлик муҳлати тугаган бир пайтда кутганининг келганлиги ҳақидаги хабарни эшитади.

Шунда ҳам у барчани баробар, тенг ҳуқуқли кўриб, ўзига харидор бўлган ҳар бир алпга тўртта шарт қўяди. Кимки шу шартларни бажарсагина, унга тегажагини айтади. Бунда Барчиннинг инсонга, унинг ҳуқуқларига катта ҳурмат билан қараганлигини кўрамиз.

"Алпомиш" асрлардан-асрларга, наслардан-наслларга ўтиб, халқимиз тилида ва дилида яшаб келаётган дос-



тонлардан бири ҳисобланади. Чунки унинг ғоявий- бадиий қиммати бениҳоя юксак. Унда халқнинг ҳаёти қаҳрамонларнинг ҳаяжони, оташин муҳаббати куйланган.

Алпомишнинг қалбида улкан севги, муҳаббат, дўстлик ришталари билан боғланган катта куч яширинган. Ана шу нарса бошқа достонлардан фарқ қилади. Алпомиш ҳам, Барчиной ҳам муҳаббат бобидаги ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишади.

Достондан маълумки, Алпомиш орномус, ҳақиқат ва адолат учун курашади. У эли, юрти, Ватанига, ўзининг қавмига содиқ бўлган, миллий қадриятларни қадрловчи инсон сифатида гавдаланади.

"Алпомиш" достонини ўқиб, қалбимда ғурур, фахр уйғонди. Минг йиллар бурун яратилган ушбу асар, асрлар давомида қанчадан-қанча инсонларни ҳақиқатга, адолатга, муҳаббатга, садоқатга, вафога, ватанпарварликка, миллий қадриятларимизни қадрлашга, миллий тикланишга ундай олган.

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

## Лойиҳалар

### янги истеъдодларни кашф этади

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасида жорий йилнинг 18-24 ҳамда 22-27 декабрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган "Янги авлод" Болалар ижодиёти фестивали ва "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар танловининг якуний босқичи олдидан матбуот анжумани ўтказилди.**

Айтиш мумкинки, анъанавий ўтказиб келинаётган ҳар иккала танлов ҳам иқтидорли, истеъдодли ёшларни саралаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда таъкидланишича, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали иқтидорли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиш учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда. Натижада фестивалнинг нуфузи, ёшларнинг унда иштирок этишга бўлган иштиёқи йил сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда мазкур фестиваль болалар орасида энг оммабоп танловлардан бирига айланди дейиш мумкин. Дастлабки йили унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 300 дан зиёд ёш истеъдод эгалари иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 16 мингни ташкил этди. Фестивалнинг якуний саралаш босқичида 500 га яқин болажонлар ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этишади.

– Маълумки, тўрт йилдан буён "Келажак овози" республика кўрик-танлови ўтказиб келинади, – дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Акмал Нур. – Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ҳар йили янгидан-янги иқтидор эгалари кашф этилади. Ўтган йиллар мобайнида танлов совриндори бўлган ёшлар илм-фан, бадиий ижод, тасвирий санъат, меъморлик, дизайн, ахборот технологиялари ва спорт соҳаларида ўз билим ва салоҳиятини кенг намоён этиб келишмоқда. Улар нафақат танлов ғолиби, балки ўз келажагига олдиндан эга бўлган ёшлардир.

Мазкур танловнинг яуний босқичига 589 нафар истеъдодли йигит-қизлар иштирок этади. Ёшлар бир неча кун давомида нафақат ўз тенгдошлари билан беллашиши, балки улар учун тузилган маданий дастур доирасида маданият ва санъат арбоблари билан мулоқотда бўлиши, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўриш ва ижодий тадбирларда қатнашиш имкониятига эга бўлишаётир.

Жорий йилнинг 24 декабрь куни "Янги авлод" Болалар ижодиёти фестивали ва 27 декабрда эса "Келажак овози" республика кўрик танловининг якуний босқичи "Истиқлол" санъат саройида бўлиб ўтади. Унда ғолиблар маданият ва санъат арбоблари томонидан тақдирланади.

КЎРГАЗМА

## Китоб – дил офтоби

Расул КАМОЛ,
"Туркистон-пресс"

**Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний вилоят ахборот кутубхона марказида "2009-2010 ўқув йилига умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг ихтисослаштирилган кўргазма ярмаркаси" ўтказилди.**

Мамлакатимизда ёш авлодга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида кенг кўламли амалий ишлар қилинмоқда. Юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида қад ростлаган янги таълим масканлари уларнинг моддий-техник базасини замонавийлиги, ўқув дасрлик ва қўлланмалар сифати ҳам унга ҳамоҳанг бўлишликни талаб этмоқда. Кўргазмадан ўрин олган китоблар ранг-баранглиги, пишиқ-пухталиги, замонавий андозалар билан безатилганлиги билан ажралиб турди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, Ахборот кутубхона маркази, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, "Тасвирий ойна" ижодий уйи вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон матубот ва ахборот агентлиги, "Ўздавкитобсавдотаъминоти", "Шарқ зиёкори" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Ғофур Ғулом", "Чўлпон" нашриётлари "Ўқитувчи" ва бошқа матбаа корхоналарида чоп этилган дарслик, қўлланма ва бошқа бадиий адабиётлар туркумларига алоҳида ўрин ажратилди.

– Китоблар кўргазмасидан ўрин олган дарслик ва адабиётлар ўқитувчи ва ўқувчи ёшларда катта таассурот қолдирди,– дейди вилоят ахборот ресурс маркази кутубхоначиси Хуршида Мирзакаримова. – Бир ой давом этган кўргазмада мутахассислар янги дарслик ва адабиётларни харид қилиш, улардаги ютуқ ва камчиликларни бартараф этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

# ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ

## Тарбия омиллари

### у билим ва маҳоратга боғлиқ

**Саодат ҲАСАНОВА,**
**Чилонзор тиббиёт коллежининг олий тоифали биология фани ўқитувчиси**



Республикамиз мустақилликка эришгач, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда экологик таълим-тарбия муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлади. Шунингдек, унинг таркибий қисми бўлган табиий фанларни такомиллаштириш устувор вазифа қилиб белгиланди. Чунки умумий таълим жамият ривожида зарур таянч бўлса, экологик тарбия давлатнинг экологик сиёсатини амалга ошириш пойдеворидир. Экологик маданият ҳар қандай мамлакатда инсонларнинг тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур ҳисобланган мўътадил атроф-муҳит шароитига бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигининг муҳим кафолатидир. Бу кафолат мамлакат тараққиёти, давлат мустақиллиги, соғлом турмуш тарзи, миллатлараро экологик алоқалар, экология борасида инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлашга, мажбуриятларини бажаришларига шарт-шароитлар яратади.

Атрофимизни ўраб турган мавжудлик бир бутун тизимдан иборат бўлиб, инсон унинг кичик бўлагидир. Лекин у онгли фаолияти орқали табиатга сезиларли равишда таъсир этишга қодир. Аҳоли сонининг ортиши, саноатнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигининг саноатлашуви, турли кимёвий ўғитларнинг кўплаб миқдорда ишлатилиши оқибатида табиат қонуниятлари бузилиб, табиий муҳит ифлосланиб бормоқда. Бу эса кўплаб экологик муаммоларни келтириб чиқардики, эндиликда улар ҳаёт-мамот масаласига айланди. Шу боис ҳам экология қонуниятларини ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш давримизнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Бу масалани тўғри ҳал этиш табиий бойликларни асраш, янада кўпайтириш, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Экологик маданият моҳияти экологик тарбия тушунчасидан бир мунча кенг бўлиб, экологик тарбия, экологик онг, экологик фаолият каби қатор илмий тушунчаларни қамраб олади. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида ўқитувчилар томонидан замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида самарали қўлланилиши ва ҳар бир мавзуга ижодий ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг Чилонзор тиббиёт коллежида ҳам педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш ва интилиш кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Айниқса, "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", "Табиат алифбоси", "Оламни асрайлик", "Она бўла қолгин менга табиат" мавзуларида тадбир ўтказганимизда ўқувчиларнинг мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш, амалий хулосалар чиқаришига алоҳида эътибор берилди.

Ҳар қандай жамиятда уни бошқаришнинг меъёр ва қоидаларини англаш зарурати экологик маданият даражасини белгилайди. Чунки экологик маънавий қадриятлар мавҳум тушунча эмас. Аксинча, улар инсониятнинг амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг тарихий ривожланиши натижасидир. Экологик маданиятнинг зарурий шарти ҳар бир шахснинг табиат ва жамият келажаги учун масъулиятини англашида намоён бўлади. Бунда маданий қадриятлар ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифани бажаради, яъни инсоннинг шахсий ва ижтимоий манфаатларини уйғунлаштиради. Энг асосийси, ёшларимиз она-табиатни асраш ўз уйимиз ва ўз она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас бурч эканлигини ҳис этмоқдалар.

2008 ЙИЛ ЁШЛАР ЙИЛИ

## Ёшлар бизнинг келажагимиз

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Педагог — кадрлар малакасини ошириш борасида ҳар йили режага асосан ходимлар малака ошириб келишади. Жорий йилда ҳам 17 та умумтаълим мактаби деректорлари Халқ таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш марказий институтида малака ошириб келган бўлса 478 нафар ўқитувчиларимиз вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида билим ва тажрибаларини ошириб қайтишди. Халқ таълими вазирлиги томонидан 2008-2009 ўқув йили таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили деб белгиланган бўлиб, бу борада ҳам барча муассасалар сингари 5-сон "Олтин калитча" мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаларида мақтовга сазовор ишлар амалга оширилди.

- Муассасамизнинг боғча гуруҳида 100 нафар, бошланғич таълимда эса 134 нафар ўқувчи таълим тарбия олишади,- дейди муассаса деректори Жамила Омонтурдиева. - Тарбияланувчиларга 20 нафар ўқитувчи-тарбиячилар замон талаблари даражасида сабоқ беришга ҳаракат қилиб келишмоқда. Муассасамиз умумтаълим мактабларидан фарқли ўлароқ бошланғич синфларда мунтазам равишда чет тилларини ўргатиб боради. Бундан ташқари тарбиячилар ота-оналар билан оилавий таълим дастури тўғрисида суҳбатлар олиб боришади. Оила ва мактабгача таълим муассасалари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Муассасада дарсларни янги педагогик ва технологик усулларда олиб бориш, ташкил қилиш каби масалалар ҳам ўз вақтида ечимини топмоқда. Айни пайтда мактабгача тарбия гуруҳларида тарбиячи Гулчеҳра Равшанова ва бошланғич таълим ўқитувчиси Нодира Шариповаларнинг иш тажрибаси туманда оммалашиб улгурди. Бугун ўқитувчилар ўқувчиларга технологик, яъни мусобақа тарзида суҳбат, юмалоқ стол, ақлий ҳужум, психотрейнинг каби педагогик усулларда таълим бериб келмоқда.

Тарбияланувчиларни ақлан ва маънан етук қилиб тарбиялаш билан бир қаторда уларга бой меросимиз, миллий қадриятларимиз, ҳунармандчилик, каштачилик ва зардўзлик сирлари ўргатиб борилаётир. МТМлар ўртасида маънавий-маърифий ва спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади. Шу билан бирга муассасада бадиий гимнастика, болалар фольклор дастаси, моҳир қўллар, тасвирий фаолият каби йўналишлар бўйича тўгараклар ташкил этилган. Мазкур тўгараклар ҳамиша тарбияланувчилар билан гавжум.

Дарвоқе, "Ёшлар йили"да ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 12 нафар кам таъминланган оила фарзандлари барча бадал тўловларидан озод қилиб қўйилган. Ўйлаймизки амалга оширилаётган бундай ижобий хатти-ҳаракатларнинг барчаси муассасада таълим-тарбия олаётган ёшларни келажакда мустақил юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишига хизмат қилади.

ТАҚДИМОТ

**2004 йил 17 мартда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2005 йилдан бошлаб ҳар йили 15 та тўла метражли бадиий, 40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мультипикацион кинофильм ҳамда 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқарилиши давлат бюджети ҳисобидан таъминланиши белгилаб қўйилди.**

## Болалар учун янги фильм-эртак

### у қишки таътил кунларига мўлжалланмоқда

**Тўмарис АЪЗАМ**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

"Ўзбеккино" Миллий агентлигида "Байрам-фильм" киностудиясида М.Исҳоқова ва Ж.Исҳоқовлар сценарийси асосида "Ғаройиб таътил ёхуд Илҳом шатранж мамлакатида" фильм-эртакнинг премьераси олдидан санъатшунос олимлар ва ОАВ вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Фильмда эл севган машҳур актёрлар билан биргаликда шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва кинода илк маротаба роль ижро этган ёш хонанда Шаҳзодбек Хожаков ва Фотима Аҳмедовалар иштирок этишди.

- Фарзандларимиз учун, айниқса таътил пайтлари телеканалларимизда қандай кинолар намойиш этилишини кузатдим. Ўйлаб кўрсам берилаётган кинофильмлар, эртаклар, мультфильмлар анча эскиргандек туюлди,- дейди фильм режиссёри Ж.Исҳоқов. - Ижодий гуруҳимиз билан "Ўзбеккино" буюртмасига биноан ушбу фильм-эртакни суратга олдик. Давлатимиз болаларимизга ана шундай қизиқарли, тарбиявий аҳамиятга молик фильмлар, мультфильмлар яратишимиз учун бизга барча шарт-шароитларни яратиб берган. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда ёшларимизга жиддий эътибор берилмоқда. Буни ҳар қайси соҳада, шу жумладан кино соҳасида ҳам кўришимиз мумкин. Фильмимиз болаларга шунчаки ёқибгина қолмай, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, юртга садоқат ҳиссини кучайтиришга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилишини истардик.

Фильм-эртакнинг бош қаҳрамони 12 ёшли Илҳом шоҳмот бўйича мактаблараро чемпион бўлади. У яқин дўсти Ҳабиба билан сеҳрли шатранж мамлакатига саёҳат қилиб, ажойиб саргузаштларни бошидан кечиради. Шоҳмот ўйинини жонидан ортиқ кўрувчи Шатранжшоҳ зиндонида банди қилинган шаҳзода Шаҳриёрни қутқариш учун Илҳом ҳукмдор билан шоҳмот ўйнаб зафар қозонади. Болаларнинг ақл-заковати туфайли яна эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади. Асарнинг яна диққатга сазовор жиҳати ҳам борки, унда образлар учун 117 хилдаги либослар танланган. Либослар қаҳрамонлар характерини янада чуқурроқ очиб берган.

Киношунос олимлар ва ОАВ ходимлари саргузашт эртакни томоша қилишгандан сўнг ижодий гуруҳга фильм ҳақидаги фикрлари ва таклифларини билдиришди.

Фильм премьераси қишки таътил кунларига мўлжалланмоқда.

СЕМИНАР

## Раҳбар кадрлар учун семинар

**Д.ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Гулистон Давлат университетида раҳбар кадрларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир доирасида олий таълим тизимидаги раҳбар кадрларнинг ахборотлаштириш соҳасига оид қонунчилик, компьютер технологиялари асослари ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича билим ва малакаларини ошириш мақсадида назарий-амалий машғулотлар ўтказилди.

- Мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси директори Муҳаммад Бегматов. - Бу борада вилоятимизда ҳам бир қатор ишлар қилинаётир. Жумладан, қоғоз ҳужжатлар электрон ҳужжатларга алмаштирилмоқда, электрон ҳужжатлар айланиши "ZiyoNET" тармоғи орқали амалга оширилмоқда.

Семинар-тренинг давомида "Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштириш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари", "АКТни ривожлантириш, интерактив давлат хизматларини шакллантириш ва жорий этиш бўйича ҳукумат қарорлари, давлат ахборот ресурслари ва тизимлари" мавзуларида маърузалар тингланди. Тингловчилар электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, электрон тўловлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди. Шунингдек, компьютернинг дастурий таъминоти, ташкилотларнинг автоматлаштирилган бошқарув тизими, тузилиши, таркиби, ахборотнинг сифат кўрсаткичлари – мазмундорлиги, долзарблилиги, аниқ ва очиқлиги, ишонарли ва барқарорлиги борасида ўзаро фикр алмашилди.

ЭКОЛОГИЯ

## Табиат неъматлари ва инсон омили

**Рўзибой МАТКАРИМОВ**

**Табиатни асраш ва уни ўз ҳолича авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Лекин айрим ҳолларда атроф-муҳит мусаффолигига беписандлик билан қараш, табиий бойликларнинг талон-тарож қилиниш ҳолларига дуч келсак-да, ўзимизни билмаганга, кўрмаганга оламиз.**



Янгибозор овчилик ва балиқчилик хўжалиги Хоразм вилоятидаги табиати энг гўзал, ўсимлик ва ҳайвонот олами ранг-баранг, уларнинг ўсиши ва кўпайиши учун шароит етарли бўлган табиий ҳудудларни қамраб олган жой эди. Шунингдек бу ердаги тўқай ва қамишзорлар, кўллар ёввойи қушларнинг баҳорда ва кузда қўниб ўтадиган, кўпайиш даврида эса ин қуриб, болалайдиган маскани ҳам эди.

Бироқ, қаровсизлик оқибатида хўжаликка қарашли кўлларнинг суви қуриб саёзлашиб қолди. Кириш-чиқиш йўллари бекилганлиги сабабли кўллардаги сувнинг таркиби бузилиб, балиқлар ва бошқа сув жониворлари қирилиб кетди. Ён-атрофга шоли экиш учун ер очиш баҳонасида қаторасига бир неча бор ёнғинлар содир этилди. Тупроғи ва бошқа дов-дарахтлар чопиб олиниб, талон-тарож қилинди. Табиий майдонлар пайҳон этилди. Оқибатда туман ҳокимининг қарори билан хўжаликка қарашли бўлган ерлар қайтариб олинди.

Янгибозор овчилик ва балиқчилик хўжалигига қарашли бўлган ҳудуднинг бундай ночор аҳволга келишига ким ва нима сабаб бўлган?

Бу саволга жавоб беришдан олдин Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт жамиятлари уюшмасининг низомига кўз ташласак. Унга кўра уюшма табиат ва унинг бойликларини асраб-авайлаш, ов-балиқчилик манбаларини сақлаш, бойитиш ва унумли фойдаланиш бўйича фаол ишларга жалб этиш, жамият аъзоларининг ов ва балиқ ови спорти бўйича талабларини қондириш, овчилик ва балиқчилик хўжаликларини илмий асосда юритиш мақсадида ташкил этилган. Шунингдек, у ўз фаолиятини тегишли қонунлар асосида юритиши белгилаб қўйилган.

Янгибозор овчилик ва балиқчилик хўжалиги 1987 йилда ташкил қилинган бўлиб, 674,2 гектар майдонни эгаллаган. Табиийки, бу ҳудудда ҳам юқоридаги талабларнинг бажарилишини таъминлаш зарур бўлган. Афсуски, хўжаликда бир неча йил давомида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари ҳамда низомда кўзда тутилган вазифалар бажарилмай келган.

Масалан хўжаликда ҳар йили 9 гектар майдонга донли (мош, супурги ва шунга ўхшаш) экинлар экилиши, ҳосилнинг бир қисми далада қолдирилиши, бир қисми эса йиғиб олиниб, қишнинг совуқ ва қировли кунларида озуқа сифатида далаларга сепилиши зарур бўлган. Бу ишни табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан биргаликда амалга ошириш кўзда тутилган. Бу талаб узлуксиз равишда бажарилмай келинган. Хўжаликнинг собиқ катта божимони Собир Жуманов туронғи дарахтларини чопиб, сотаётган вақтида ушланиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 79-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилган ва жарима ундирилган. Вилоят овчилар ва балиқчилар жамияти раиси Э.Машарипов С.Жумановни шу йилнинг 3 май куни ишдан бўшатган ва бир оз фурсат ўтгач, С.Жумановни қайта ишга тиклаган. Олинган маълумотларга кўра 1996-2000 йилларда хўжаликда табиий ҳолда ўсиб турган ўсимлик дунёси майдонларида бир неча бор ёнғин содир этилган. Айримлар хўжалик ҳудудида ўз манфаатларини кўзлаб, ер очиш учун хўжаликнинг кўпгина қисмини ёқиб юборганлар. Ёнғин натижасида табиатга етказилган 2 млн. 700 минг сўм зарар айбдорлардан ундирилган.

Янгиариқ туманидаги 1260 гектар ер майдонига эга бўлган Обул кўл, Зей кўл, Хазорасп тумани Питнак шаҳарчисидаги 1160 гектардан иборат бўлган Базиргон, Боғот туманидаги Қалажик овчилик ва балиқчилик хўжаликларининг бир қисми чегара ҳудудларига тўғри келганлиги учун тугаган бўлса-да, уларни бошқа кўл ва майдонлар ҳисобига кенгайтириш чоралари кўрилмаяпти. Масалан, Янгиариқ туманидаги жамиятга қарашли Обул кўли ва Зей кўли кейинги йилларда қаровсизлик оқибатида бутунлай қуриб қолган.

Тумандаги овчилар ва балиқчилар талабига кўра Янгиариқ туман ҳокимининг Остона қишлоғи ҳудудидаги Чорва кўлининг бир қисми 81 б, 970 б, 973 б, ва 972 б-контурларидаги кўллар ва қумликлардан иборат жами 99,1 гектар ер майдони овчилик ва балиқчилик хўжалиги ташкил этиш учун ажратиш тўғрисида 2007 йил 20 июль куни 225-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг тасдиқланиши вилоят ҳокимидан сўралган эди. Мана бир ярим йилдир-ки, бу масала ҳал қилинмаган. Вилоят овчилар ва балиқчилар спорт жамияти бу ҳудудда овчилар ва балиқчилар учун керакли шароитлар яратиш, ушбу масалани ҳал этишда ташаббус кўрсатмаяпти.

Янгиариқ туманида овчилик ва балиқчилик хўжалиги номигагина мавжуд. Унинг ҳисобидаги ерлар бошқа бир ташкилотга бериб юборилган. «Янги майдонларни ажратиш тўғрисида»ги қарор эса тасдиғини топмаган. Тумандаги кўпчилик овчи ва балиқчилар аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб келмоқдалар.

Жайҳун бўйидаги "Амударё" балиқчилик ва овчилик хўжалиги асосан сулгин (тустовуқ) кўпайтириш мақсадида ташкил қилинган.

Жамиятнинг номига "спорт" сўзининг қўшилиши бежиз эмас. Аммо, вилоятда овчилар ва балиқчилар ўртасида кейинги йилларда бирор бир оммавий тадбир уюштирилмаган. Вилоят овчилик ва балиқчилик жамияти биноси ўта ночор аҳволда. Бино шу даражада таъмирталаб бўлиб қолганки, ташқаридан қараганда бу ерга кўпдан буён инсон оёғи етмагандай кўринади. Хоналарни дуд босган, столлар устидаги чангни, санитария ҳолатини ёмонлигини кўриб кайфиятингиз тушади. Атроф-муҳит гўзаллиги учун масъул бўлган жамият биноси ва унинг атрофидаги ҳолат раҳбарнинг ишга муносабати қандай эканлигини кўрсатиб турибди.

2008 йил 13 август куни бўлиб ўтган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси ва жамият ходимларининг умумий йиғилиши Э.Машариповнинг иш фаолиятини қониқарсиз деб баҳолади. Йиғилиш кенгаши қарорида "вилоятнинг барча туманларида овчилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳудудларини кенгайтириш ва янгидан очиш, шу билан жамият аъзоларига керакли шарт-шароитларни яратиб бериш борасида туман ҳокимликлари билан иш олиб бориш учун" Э.Машариповга ўн кун муддат берилди.

Она табиатни асраб-авайлаш, унинг бойликларини кўпайтириш ҳар бир фуқаронинг, айниқса шу соҳа мутасаддиларининг муқаддас бурчи эканлигини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Биз юқорида фаолиятини кўздан кечирган ташкилот ҳам замон талаблари асосида ўз ишини тубдан ўзгартириши, айниқса соҳа раҳбарлари ўз ишларига танқидий баҳо бериб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун жиддий қарорлар қабул қилиши лозим.

САЛОМАТЛИК

**Бешариқ туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхона мажмуи "Осиё Тараққиёт банки" кредити ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.**

## Тиббий хизмат сифати яхшиланди

**Расул КАМОЛ,**
**"Туркистон-пресс"**



Бу туманда соғлом она ва болаларнинг саломатлигини назорат қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш имконини беради. Асбоб-ускуналар замонавийлиги, аниқ дастур асосида ишлашлиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, «Ёшлар йили»да тармоқда Саломатлик-2 лойиҳаси доирасида "Осиё Тараққиёт банки" кредити ҳисобидан тумандаги Шоберди қишлоқ врачлик пунктига турли тиббий аппаратура ва жиҳозлар келтирилган. Туман марказидан анча олисда жойлашган Капаянги ҳудудидаги таянч пункти эса туман ҳокимлиги ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари амалий ёрдами билан қишлоқ врачлик пунктига айлантирилиб минглаб одамлар оғирини енгил, узоқларини яқин қилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмасида фаолият кўрсатаётган акушер-гинекологлар ва неонатологлар билимларини ошириш мақсадида "ЮНИСЕФ" халқаро ташкилоти ёрдамида семинар, ўқув курслари ташкил этилмоқда.

– Айни кунда туманда 30 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда,–деди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Шукуржон Ботиралиев.– Асосий эътиборни касалликни даволагандан кўра олдини олишга қаратганмиз. Шу мақсадда жойларда турли давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эса алоҳида эътибор қаратилган. Тумандаги 32 нафар шифокорлар умумий амалиёт врачлари курсларида ўқиб қайтишди. Бу эса ҳар қандай касалликларни жойларнинг ўзида аниқлаш ва даволаш имкониятини бермоқда.

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

Беҳбуд БОТИРОВ

# Миллий манфаатлар устувор

## Ҳиндистон парламентига нигоҳ

Ҳиндистон Осиёдаги йирик демократик давлат бўлиб, қадриятлар, мезонлар ва тартиблар ҳинд жамиятида жуда чуқур илдиз отган. Жанубий Осиёдаги мазкур давлат дунёдаги энг кўп сайловчиларига эга мамлакат ҳисобланади – 2006 йилги маълумотларга кўра бу ерда 617 миллион (!) нафар сайловчи бор.

Мамлакат гарчи узоқ йиллар давомида турли давлатлар мустамлакасига айланиб, кўп йиллик урушларни бошдан ўтказганига қарамай, Ҳиндистон давлат тизими борасида ўзига хос тажрибалар тўпланганлиги билан ажралиб туради. Одатда дунёнинг турли давлатларида қонун чиқарувчи органлар ҳар хил номлар билан аталади. Мисол учун, Ўзбекистонда – Олий Мажлис, Англияда – Парламент, Россияда – Дума, АҚШда – Конгресс, Украинада – Рада, Финляндия ва Польшада Сейм деб юритилади. Сизга сўзламоқчи бўлган Ҳиндистонда эса парламент Сансад дея номланган.

Ҳиндистон қонунчилигидаги олий федерал органи саналган Сансад тузилишига кўра, президент ва иккита палатани ўз ичига олади. Булар Халқ палатаси (Лог Сабха) номли қуйи палата ва Штатлар кенгаши (Ража сабха) – юқори палатадан ташкил топган. Парламент қароргоҳи Нью-Деҳлида жойлашган бўлиб, Сансад Бхаван номи билан юритилади. Ҳар икки палата томонидан кўриб чиқилиб маъқулланган қонун лойиҳаси президентга юборилади.

Парламентнинг қуйи палата аъзолари мажоритар системага кўра тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли орқали сайланади. Мазкур палата аҳамияти ва ваколат кўламига нисбатан юқори палатадагига нисбатан анча нуфузли саналади. Баҳс-мунозараларнинг макони саналган Лог сабхи аъзолигига сайланиш хамирдан қил суғургандай осон кечмайди. Бунинг учун номзод Ҳиндистон фуқаролигига эга бўлиши, 25 ёшдан ошган, руҳий соғлом, банкрот ҳолатида ва жиноий қидирувда бўлмаслиги лозим. Бу масаланинг биринчи томони.

Дунёдаги энг катта расмий ҳужжат - Ҳиндистон Конституцияга мувофиқ Лог сабха, Халқ палатаси 552 депутатдан иборат (штатлардан 530 нафаргача, иттифоқдош ҳудудлардан 20 нафаргача, шунингдек, асли келиб чиқиши британиялик бўлган ҳиндлар манфаатини ҳимоя қилиш учун яна икки нафар депутат президент томонидан тайинланиши мумкин). Лог сабхада депутатлар 5 йил муддатга сайланади, агар мамлакатда фавқулотда ҳолат эълон қилинса, ваколатлар яна 1, 2, 3 йилгача узайтирилади. Борди-ю сайловлардан сўнг бирор бир партия кўпчиликни ташкил этмаса ёки коалиция тузолмаса, мамлакат президенти муддатидан олдин палатани тарқатиб юбориши мумкин.

Ўн тўртинчи Лог сабха 2004 йилнинг апрель-май ойларидаги сайловлар натижалари асосида шакллантирилган ва 545 аъзони (530 штат, 13 та иттифоқдош ҳудуд ва 2 нафар инглиз-ҳинд вакиллари) ўзига бирлаштирган. Сайловчилик қонунига мувофиқ Ҳиндистон фуқаролари штатлар ва иттифоқдош ҳудудий вакилларни сайлашади.18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро жинси, ирқи, қайси табақага мансублиги, динидан қатъий назар сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга.

Парламентдаги юқори палата Штатлар Кенгаши (Ража сабха) саналади. Унинг аъзолари федерация субъектлари – Ҳиндистон штатлари ва иттифоқдош ҳудудлар қонунчилик органлари аъзолари томонидан билвосита йўл билан сайланади. Штатлар Кенгашининг 250 нафар аъзоси бўлиб, аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур палата тарқатиб юборилмайди, балки унинг аъзолари олдиндан тайёрланган ротацион график асосида ташкил этилади. Ража сабха мамлакатда федератив системани сақлаб қолиш учун ўйлаб топилган бўлиб, унинг аъзолари сони ҳар бир штат аҳолиси сонига боғлиқ. Мисол учун, Айни пайтда Уттар-Прадеш штатидан 31 нафар, Нагалендадан эса атиги бир нафар вакил Ража сабхада фаолият олиб бормоқда. Мазкур палатага аъзо бўлиш учун номзод энг камида 30 ёшда бўлиши керак ва улар 6 йиллик муддатга сайланади.

Дарвоқе, Штатлар кенгаши вакилларининг тарқатиб юборилмаслиги уларнинг бу лавозимда умрбод ишлайди, дегани эмас. Гап шундаки, янги сайловлар ҳар икки йилда палатанинг учдан бир қисми учун ўтказилади. Ража сабхани шакллантириш структураси Ҳиндистон конституциясининг 80-бетида қуйидагича ёзилган: 12 нафар аъзо президент томонидан тайинланади. Улар адабиёт, фан, санъат ва ижтимоий соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим. Штатлар вакиллари пропорционал тизим асосида ягона овоз бериш йўли орқали штатларнинг қонунчилик йиғилишлари аъзолари томонидан сайланса, Иттифоқдош ҳудудлар вакиллари эса билвосита мазкур минтақа сайловчилари ҳайъати томонидан янги лавозимга қўйилади.

Баҳс-мунозараларга бой парламент мажлислари Сансад Бхаванда ўтказилади. Ушбу бино ўзига хос меъморий услубга эгалиги билан ажралиб туради. Иншоот айлана шаклда бўлиб, 1912-1913 йилларда британиялик архитекторлар Эдвин Лаченс ва Герберт Бейкер лойиҳаси асосида бунёд этилган. Бинонинг ташқи халқасини 144 та гранит устунлар ушлаб турибди. Парламент саройида шунингдек, 1958 йилдан буён Ҳиндистон юқори суди ҳам иш олиб боради.

Қуйи палата бетараф бўлган спикер томонидан бошқарилади ва унга ўринбосар ёрдам беради. Палата раҳбари ўз навбатида регламентни рад қилиш, доимий комиссияни шакллантиришда ҳал қилувчи сўзни айтиш, депутатларни тартибга чақириш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Бошқа давлатлардаги каби палатада партия фракциялари тузилиб, тармоқлар бўйича доимий комиссиялар шакллантирилади, асосан техник ишларни олиб борувчи палата котибияти ташкил этилади. Ҳар бир партия фракцияси ўзининг лидерига эга.

Парламентнинг асосий функцияси – депутатлар томонидан мамлакат миллий манфаатларини ифода этадиган қонунларни қабул қилишдан иборат. Агар қонун лойиҳага бирор палата томонидан тузатиш киритилгудек бўлса, у ҳолда лойиҳа биринчи қабул қилинган палатага қайтарилади. Дейлик, қуйи палата томонидан янги қонун қабул қилинди, аммо бу мазкур ҳужжат ҳаётга татбиқ этилади, дегани эмас. Мазкур қонун юзасидан Штатлар кенгаши тўрт ой ичида ўз эътирозини билдирса, ҳар икки палата ягона келишувга келишлари лозим бўлади, агар бу йўл ҳам фойда бермаса, президент қарорига кўра, ҳар икки палатанинг қўшма йиғилиши ўтказилади ва баҳсли мавзу кўпчилик овоз орқали ҳал этилади.

Агар 6 ой давомида Штатлар кенгаши қонун лойиҳаси юзасидан бирор қарор қабул қилмаса, демак билингки, Халқ палатасининг қонун лойиҳаси қабул қилинган. "Пулли" қонун лойиҳалари Штатлар кенгаши томонидан 14 кун давомида кўриб чиқилиши даркор. Мабодо Штатлар кенгашининг қарори эътирозларга сабаб бўлса, улар бу қонунни одатий тартибда иккинчи маротаба қабул қилиш йўли билан енгиб ўтишларига тўғри келади.

Наполеон Банапарт "Ҳиндистон давлати кимнинг қўлида бўлса, ўша давлат дунёга ҳукмронлик қилади", деган эди. Бу бежиз эмасди. Зеро, қадимдан нафақат маданият ва санъати юксак даражада ривожланган, балки ўзининг табиий бойликлари, олтин ва дуру-жавоҳирлари билан донг таратган Ҳиндистон асрлар оша дунё ҳамжамиятини ўзига жалб этиб келган. Йиллар силсиласи ҳинд жамияти учун ўзига хос мактаб вазифасини бажарди. Айниқса, 19-20 асрларда англиялик мустамлакачиларга қарши олиб борилган курашлар, турли қўзғолонлар Ҳиндистон тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган. Махатма Ганди, Жавоҳарлал Неру, Лал Баҳодир Шастри каби буюк сиёсатчиларни тарбиялаган юрт дунёда ўзи танлаган йўли борлигини кўрсатди ва бунга улар ҳақли, албатта.



**Ҳиндистон (ҳиндча Бҳарат). Аҳолиси 1 млрд 300 миллион. ЯИМ ҳажми бўйича дунёда 9-ўринда туради, ялпи ички маҳсулот аҳоли сонига нисбатан олганда 115-ўринни эгаллаб турибди.**

**Ҳиндистон Конституцияси 1950 йил 26 январдан бошлаб кучга кирган. Мазкур ҳужжат дунёда ҳажми бўйича дунёдаги энг йириги бўлиб, 491 та мақоладан ташкил топган. Барчаси таҳлилий ва майда-чуйдасигача тушунтириб берилган.**

**● Давлат тузуми. Ҳиндистон – федератив республика. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Давлат бошлиғи президент. У парламентнинг икки палатаси ва штатларнинг қонун чиқарувчи органлари аъзоларидан иборат сайловчилар ҳайъати томонидан 5 йил муддатга сайланади.**

**"Парламент" сўзи французчасига "парлер" гапирмоқ сўзидан олинган. Аммо биринчи парламент 1265 йилда Англияда жорий этилган.**

**Бунинг сабаби шуки, 1066 йилда Нормандия герцоги Вильгелм Англияни истило қилади ва давлат тузади. Давлат тили қилиб француз тили белгиланади. 1265 йили Англияда биринчи маротаба парламент чақирилади. 1362 йилда француз тили бекор қилинади, лекин парламент сўзи амалда қолиб кетади.**

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Яна уч ойдан сўнг

**Британия ҳарбийлари Ироқни 2009 йилнинг мартидан бошлаб тарк этади.**



Бу ҳақда мамлакатдаги маҳаллий нашрлар маълум қилган. Буюк Британия ва Ироқ давлатлари ўртасида имзоланган янги битимга мувофиқ ҳарбийлар келгуси йилнинг биринчи ярмидан бошлаб Ироқни тарк этади, қолган бир қисми эса минтақада қолади. Ҳозир Ироқ жанубидаги Басра авиабазасида қарийб 4 минг нафар британиялик ҳарбий фаолият олиб боради.

Буюк Британия мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилган махсус сўровномага кўра, Афғонистон ва Ироқда тинчликни сақлаш ишларига ёрдам бераётган қарийб 50 фоиз инглиз ҳарбийлари ўз хизматларидан воз кечишга рози эканликлари маълум бўлган.

### Товон пуллари тўланади

**Франция ҳукумати товон пулини тўлашга тайёр.**



Европа Иттифоқининг амалдаги раиси Николя Саркози Франция 2009 йилдан бошлаб Жазоир ва Полинезияда ўтказилган ядровий синовларда азият чеккан ҳарбийлар, мутахассислар, маҳаллий аҳоли учун товон пули тўлашни маълум қилган.

Мазкур синовлар "Совуқ уруш" даврида 1960-1996 йилларда амалга оширилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган товон пуллари айнан ўша вақтда жабр кўрганларгагина берилиши маълум қилинди. Улар рўйхати мамлакат мудофаа вазирлиги томонидан тузиб чиқилган.

### Иттифоққа ариза берди

**Черногория ҳукумати томонидан Европа Иттифоқига аъзо бўлиш ҳақида ариза берилган.**



Бу ҳақда мамлакат бош вазири Мило Дюканович Европа Иттифоқига раислик қилаётган Франция президенти Николя Саркози билан Елисей саройида ўтказилган учрашувдан сўнг маълум қилган.

Айни пайтда Европа Иттифоқига 27 давлат аъзо бўлган. Аммо бундай кенгайиши аъзолар ўртасида айрим келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Мисол учун ЕИни ислоҳ этишга қаратилган Лиссабон шартномасини Ирландия ва Чехия ратификация қилгани йўқ. Шуниг учун кўпгина давлатлар аввало ЕИнинг ички тартиб-қоидаларини ўзгартириб, кейин янги аъзоларни қабул қилиш лозим, деган фикрда.

Черногория собиқ Югославия республикалари орасида Европа Иттифоқи қўшилиш учун Словения, Хорватия ва Македониядан сўнг тўртинчи давлат сифатида ариза берган. Улар орасида фақатгина Словения ЕИга қабул қилинган.

### «Булгаков»да туну кун

**Москвада илк бор туну-кун ишлайдиган музей очилди.**



ИТАР-ТАСС хабарига кўра, эндиликда машҳур ёзувчи Михаил Булгаковнинг уй-музейи суткасига 24 соат ишлайди. Музей ходимнинг сўзларига кўра, жуда кўп одамлар бу музейни кун давомида кўриб кетиш имкони бўлмаслиги ҳақида шикоят қилган. Музей кечаси ишлаган биринчи тундаёқ уни юзлаб одамлар зиёрат қилгани аниқланган.

Эндиликда Булгаков музейи дам олиш кунлари туну-кун, иш кунларида эса кундузи 1.00 дан кечаси соат 1 гача ишлайди. Тунги экскурсиялар пайтияда эса Булгаков яратган қаҳрамонларнинг мистик томонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

**РАНГИН ДУНЁ**

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

# Афсонавий Фудзияма

## Япониянинг кўрки ва фахридир

**Тоғлар... Улар ўзининг салобати ва улуғворлиги ҳамда метиндек мустаҳкамлиги билан ҳамиша одамларни ҳайратга солиб келган. Қадим замонларда маъжусий динларда худолар билан боғлиқ тасаввурлар айнан тоғлар билан боғлиқ бўлиб, тоғликлар эса улар билан яқин алоқада яшайдиган аҳоли қатлами ҳисобланган. Бошқа муқаддас жойлар қаторида тоғлар ҳам инсонларнинг руҳий покланиш, ғайриоддий кучлар билан мулоқотда бўлиш манзилгоҳлари сифатида катта эътиборга эга бўлган. Агар яқин атрофда диний расм-русумларга мос, табиий тоғлар бўлмаса, инсонлар сунъий иншоотлар — пирамида, миноралар ва устунлар қуришган. Турли хил сабаблар туфайли (табиий офат, эпидемия, кўчишлар ва ҳоказо) кўпчилик халқлар ўз билим ва кўникмаларини йўқотишган ва вақт ўтиши билан уларни бошқатдан таомилга киритишга мажбур бўлишган.**



Ўз муқаддас анъаналарини соф ва бутунлигича сақлаб, авлодларга қолдиришга интилиш Шарқда ниҳоятда кучли бўлган. Барча замонларда ҳам дунё файласуфлари донишмандлик илдизларини айнан Шарқдан ахтаришган. Япония ўзининг узлуксиз давом этаётган анъаналари туфайли барча ўтмиш аждодларнинг маънавий тажрибасини бугунги кунгача сақлаб қолган давлатлар сирасига киради. Шарқнинг қадимги диний таълимотларида (буддизмда) Фудзияма тоғи муқаддас жой ҳисобланади.

Фудзияма — нафақат табиат мўъжизаси балки неча йиллардан буён зиёратчиларни ўзига чорлаб келаётган, шоиру рассомларни илҳомлантираётган муқаддас ердир.

**Япониянинг энг баланд тоғи**

— Фудзияма вулқон оловидан яралган бўлиб, у фақатгина оловдан ҳалок бўлиши мумкин. Японияликлар унинг нозик чиройини очилган гулғунчага қиёслашади. Чунки, тоғ чўққиси, вулқон оғзи нилуфар гулни эслатиши билан бирга, гир атрофи тошқотган 8 та тароқсимон барг билан ўралган. У ерни маҳаллий аҳоли "Яксудо-Фуйо" деб аташади. Бу ибора "Фудзиянинг саккиз гулбарги" маъносини билдиради. У йил бўйи, ҳар бир фаслда ўзгача чирой ва манзара касб этади. Айниқса, баҳор фаслида баландлиги 3376 метр бўлган ушбу чўққидан тоғ этагидаги олхўри ва олча боғлари томоша қилинса кишининг баҳри дили очилади. Қуёш нуридан гулларнинг турли-туман рангларда товланиши сабабли тоғ янада гўзаллашиб, латиф ва бетакрор тусга киради. Асрлар давомида ва бугунги кунда ҳам Фудзияма шоиру адиблар, бастакору рассомлар, қўйингки барча ижод аҳли учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Японийлик шоир Башо 1690 йилда ўз шеърларида тоғни "бетакрор ва ўлмас" деб таърифлаган бўлса, 1900 йилда америкалик ёзувчи Лаф-кажио Хирн "Япониянинг энг гўзал ерларидан биридир" деган. Рассом Кацусика Хокусай бутун ижоди давомида тоғнинг ўзгарувчан манзараларини бетакрор асарларида акс эттирган.

Кўп асрлардан бери Фудзияманинг атроф ҳудудлари юз минглаб зиёратчи ва сайёҳлар учун муқаддас зиёратгоҳ бўлиб келмоқда. Японияликлар неча юз йиллардан буён Фудзиямани илоҳий деб, унга сиғиниб келишади. Айтишларича, қачонлардир Хоккайдо оролидаги Айну қабиласи илк бор уни илоҳийлаштиришни бошлаган. Айну қабиласи чўққига ўзларининг олов худоси — Фудзининг номини берган. Японияликлар айнулар берган номни сақлаб қолиб, уни ниҳоятда эъзозлаб келишади.

Тоғнинг 2500 метр баландлигида мақбара қурилган. Тахминларга қараганда мақбара ёши 2000 йилга тенг. Айнулар афсонасида айтишилича, вулқон фаолияти ҳали давом этаётганида ўша давр императори Фудзи худосини ғазабдан қайтариш мақсадида ушбу мақбарани қурдирган. Ҳозирги кунда ҳар йили 400 000 киши, асосан японияликлар тоғ чўққисини зиёрат қилишади.

Тоғнинг шимолий қисмида бешта бир-бирига уланиб кетган ва вулқон таъсирида пайдо бўлган кўллар ҳам мавжуд. Афсоналарда айтилишича, эрамиздан аввалги 286 йили ер ёрилиши оқибатида бир кечада Япониядаги энг катта Бава кўли пайдо бўлган. Портлаш натижасида эса тоғлар ҳосил бўлган. Тарихчилар афсонани асоссиз ҳам деб бўлмайди, дейишмоқда. Негаки, ҳақиқатан ҳам ўша ернинг ўзида 25 та конус шаклидаги вулқон тоғлари мавжуд. Уларнинг энг каттаси Фудзияма тоғидир. Буддавийлар афсонасида тоғ 2300 ёшда дейилса, олимлар уни 10 000 йил аввал пайдо бўлган деб ҳисоблашмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, қадимда Фудзияма жойлашган кенгликда вулқон отилиши рўй бериши оқибатида тоғ бугунги кўринишга эга бўлган. У ерда илк вулқон отилиши эрамиздан аввалги 800 йилда, энг охиргиси эса 1707 йилда рўй берган. Ўшанда вулқон оқибатида тоғдан 100 километр узоқликда жойлашган ҳозирги Токио шаҳрини (олдинги Эдо шаҳри) қопқора тутун ва кул қоплаган.

Фудзияма японияликлар онгига "ягона", "ноёб" ва "ўлмас" дея сингиган бўлса-да, уни умрбоқий эмаслигидан ҳамон хавфсирашади. Негаки, келажакда табиат яна қандай кароматлар кўрсатиши ёлғиз яратганга аён. Яна қачонлардир вулқон отилиши рўй берса тоғ бир зумда алангa ичида қолиб, йўқ бўлиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Нима бўлганда ҳам Фудзияма бугунги кунда Япониянинг ўзига хос миллий рамзи ва қадриятига айланганлиги шак-шубҳасиздир.

# СПОРТ

## СОҒЛОМ АВЛОД

# Баркамоллик сари

**Лобар САТТОРОВА, 10-куи зарғалдоқ белбоғ соҳибаси**

**Инсонни нафақат жисмоний балки, маънавий жиҳатдан ҳам тарбиялайдиган спорт турларидан бири Шинкёкушинкаи каратэ тури ҳисобланади. Унинг тарихи Масутатсу Оёманинг ҳаёти ва руҳий изланишлари билан чамбарчас боғлиқ. Оёманинг тинимсиз изланишлари эвазига Шинкёкушинкаи каратэ мактабининг довруғи узоқ шарқ чегарасидан чиқиб бутун дунёга ёйилди. Салкам ярим аср давомида ўз сафига 150 мамлакатнинг 15 миллиондан ортиқ ишқибозларни жалб этди. Бутун дунё каратэчилари Оёмани Шинкёкушинкаи каратэсининг отаси деб тан олади.**



Жаҳон каратэ ташкилоти - WKO (NPO. World karate organization Shinkyokyshinka)нинг Ўзбекистондаги вакили, қора белбоғ соҳиби Ҳасан Назаров эса Шинкёкушинкаи каратэ отаси бўлмиш Масутатсу Оёманинг издошларидан биридир.

Ҳасан Назаров 1957 йил 12 октябрда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган. У болалигидан спортга қизиқар эди. Бир куни унинг қўлига қадимги Япония ва Хитойда мавжуд бўлган шарқона курашлар тўғрисидаги қўлбола китобча тушиб қолди. Бу китобча Ҳасан Назаровни кейинчалик шарқ якка кураш турлари билан шуғулланишига туртки бўлди.

Ҳ.Назаров 1991 йилгача шотокан, Шинкёкушинкаи каратэ усуллари бўйича устозларидан сабоқ олди. Шу йили каратэ додзесини қуришга жазм қилди ва ташландиқ, бўш ётган жойни ажойиб масканга айлантирди. Бунинг учун ташаббускор каратэчи ва унинг маслакдошларига 4 йил керак бўлди. Марказ "НУР-ҲАС" номи билан атала бошланди ва йиллар давомида ривожланиб борди. Ҳасан Назаров эса эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмади. У машқларни мунтазам ва изчил давом эттирди, халқаро мусобақа ва турнирларида қатнаша бошлади.

Ҳозирги кунда "НУР-ҲАС" маркази Европа Каратэ Ташкилоти (ЭКО)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси. 2003 йилдан бошлаб Халқаро Каратэ Ташкилоти Жаҳон Шинкёкушикаи каратэ ташкилотига айлантирилди.

Ўтган йиллар мобайнида бир нечта ҳаваскорлар билан ташкил этилган клуб ватанимизнинг 10 та вилояти ва Тошкент шаҳрида ўзининг бўлимларига эга бўлган катта марказга айлантирилди. Марказ аъзолари юртимиз шарафини жаҳон кубоклари, жаҳон чемпионатлари ва халқаро турнирларда муносиб ҳимоя қилиб, Ватанимиз байроғини бир неча бор баланд кўтарилишига сабабчи бўлдилар.

Устозим Ҳасан Назаров бизга нафақат каратэ сирларидан, балки сабр-тоқат, адолат, матонат, оқ кўнгиллик каби инсоний фазилатлар ҳақида ҳам сабоқ берадилар. Каратэ билан шуғулланган ҳар бир инсон баркамол, соғлом бўлиб вояга етиши билан бирга ўзини-ўзи ҳимоя қила олиши мумкин. Уларнинг деярли бўш вақти ҳам бўлмайди. Ёмон ниятлардан йироқ, соғлом фикрлайдиган бўлиб тарбияланишади. Одам боласи учун отадан улуғ, онадан азиз яна бир зот бўлиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин. Аммо донолар устозни отага тенглаштириб, «Устоз отангдек улуғ», деган латифи каломни кашф этганлар. Бунинг маъноси шундаки, фарзандни ота дунёга кетирса, унинг илм-ҳунар эгаллашига устоз сабаб бўлади.

Мураббий этагини тутиб, чин ихлосу ҳавас билан камолга етган барчанинг муроди ҳосил бўлади. Ота-онасининг, устозининг дуосини олган шогирд ҳеч қачон кам бўлмайди. Бунинг учун чин ихлос ва эътиқод қалбда, юракда бўлиши лозим.

Бизлар ҳам шунга амал қилган ҳолда доим олға интилиб, устозимизга муносиб, фидойи шогирд бўлиб етишишга, ўзбек каратэчилари, номини дунёга таратишга бел боғлаганмиз. Ватан ишқи мурғак қалбларида оташ бўлиб ёнаётган, аждодлари меросини қадрловчи биз ёш авлод учун устозларнинг бераётган таълим-тарбияси, ҳар бир сўзи бениҳоя қимматли сабоқдир.

## ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ

# Португалиялик голеадор

**Одилжон КАРИМОВ**



Футбол оламида энг муҳим воқеалардан бири Европанинг "энг яхши футболчи"си аниқланди. Кутилганидек бундай шараф "МЮ" ҳамда Португалия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Криштиано Роналдуга насиб этди.

Роналду 2007-2008 мавсумни ҳам юқори савияда ўтказди. Англия премьероси ҳамда Чемпионлар лигасида ғолиб чиқди. Бунинг натижаси ўлароқ УЕФА португалиялик ҳужумкор ярим ҳимоячини Чемпионлар лигасининг "энг яхши ўйинчи"си деб топди. Португалиялик голеадор совринлар музейи учун ўзига хос пойдевор яратаётган бўлса ажабмас. Англия чемпионатида урилган 31 та гол унга "олтин бутса"ни тақдим этди. Ноябрь ойида эса "профессионал футболчилар уюшмаси" томонидан Роналду тенгсиз деб топилди.

"France Football" нашри ким аслида ким эканини англаб етди чоғи "Олтин тўп"ни Криштианога қўш-қўллаб топширди. Сўров натижаларига кўра Роналду 446 очко тўплаб, яқин таъқибчиси Леонел Мессини 165 очкога ортда қолдиришга муваффақ бўлди. Учинчи ўрин эса испаниялик Фернандо Торресга насиб этди.

Криштианога мутлақ ғалаба учун ФИФАнинг бриллиант тўпи керак, бунинг учун 12 январни кутишга тўғри келади. Кейин эса футболчи терма жамоаси билан Жаҳон чемпионатида ғолиб чиқишдан умидвор бўлиб турибди.


# «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

## 2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.




Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

| | |
|---|---|
| ҚР Нукус (3612) 22-88-68 | Самарқанд (3662) 34-22-53 |
| Андижон (3742) 22-29-89 | Сирдарё (3672) 25-47-70 |
| Бухоро (3652) 25-47-49 | Сурхондарё (3762) 27-49-03 |
| Жиззах (3722) 22-40-01 | Тошкент вил. (3712) 233-13-04 |
| Қашқадарё (3752) 25-40-27 | Фарғона (3732) 24-29-22 |
| Навоий (4362) 23-26-86 | Хоразм (3622) 26-63-75 |
| Наманган (3692) 26-29-80 | Компания бўлими 234-85-99 |


## ЎГИТ

**Ота бўлмаган, ота қадрини билмас**

* * *

**Тил — қиличдан ўткир**

* * *

**Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай**

## БИЛАСИЗМИ?

Ўта қадимги чанғи Швеция ботқоқликларидан топилган бўлиб, у 4500 йиллик тарихга эга. Чанғилардан XIII асрдан буён фойдаланиб келаётгани сир эмас. Бироқ, илк чанғи мусобақаси 1850 йили Австралиянинг қорли тоғларида бўлиб ўтган.

* * *

Бундан 45 млн. йил аввал Ҳиндистон алоҳида қитъа бўлган. Уни Тетис океани Осиёдан ажратиб турган.

* * *

Тутунендо шаҳарчаси (Колумбия) Ер юзидаги энг зах жой ҳисобланади.

* * *

Ироқ ҳудудидан топилган сув каналларининг ёши 6000 йилга тенг. Дастлабки, сув омбори эса Иорданияда топилган. Унинг ёши тахминан 5200 йил.

## ТУРФА ОЛАМ

# Ғайриоддий уйлар

**Бир нечта яшил тепаликлар кўринишидаги уйлар Гвангё (Ж.Корея) шаҳрида бунёд этилиши кутилмоқда.**



Мазкур ғайриоддий уйлар лойиҳаси Daewoo Consortium компаниясига тегишли. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, яшил тепали уйлар бир-бирига ҳалқасимон тарзда туташиб туради. Бундай уйларнинг томи яшил ўт-ўланлар билан қопланганi боис, ҳавоси ҳам шунга яраша тоза бўларкан. Қолаверса, яшил тепали уйлар сув ва электр манбаини тежаш имконини ҳам берармиш. Гвангё шаҳрида барпо этилиши кутилаётган уйлар 200 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Тахминан 48 минг метр жой офис ва идоралар учун ажратилса, қолган қисмида маданий-маърифий марказлар, таълим, савдо-сотиқ ҳамда дам олиш масканлари қурилиши мўлжалланган.

# Олов қачон пайдо бўлган?

**Бизнинг аждодларимиз бундан 500 минг йил олдин ҳам оловдан фойдалана билишган экан.**

Маълумки, Homo erectus ("Меҳнаткаш инсон") гўштни, айниқса, оловда пиширилганини ниҳоятда севиб истеъмол қилишган. Улар биз ўйлагандан анча олдин оловдан фойдалана бошлашган. Асосийси, аждодларимиз олов ҳосил қилишни жуда яхши билишган экан. Шу кунга қадар Гешер-Бнот-Яаков (Исроил) масканидан 500 мингга яқин тарихий ашёлар топилган. Олиб борилган сўнгги тадқиқотлар юқоридаги таъкидни яна бир бор тасдиқлаган. Ҳар томонлама бизга ўхшаш аждодларимиз тошларни бир-бирига уриб, ундан чиққан учқун ёрдамида олов ҳосил қилишган экан.

# Сув тубидаги топилма

**Петербурглик сув ости тадқиқотчилари Фин қўлтиғи тубида император Пётр I флотилиясига тегишли қадимги кемани топиб олишди.**



"Россиянинг сув ости бойликлари" лойиҳаси раҳбари Сергей Кобилянскийнинг таъкидлашича, кема 1710 йилда қурилган бўлиб, Финляндияга юриш чоғида сув тубига ғарқ бўлган экан. Яна унинг гапига қараганда, ушбу кема "Нордстрим" дея ном олган бўлғуси газ қувури ўтадиган жойда ётган эмиш. Айни дамда мазкур лойиҳа иштирокчилари қадимги кемани сув тубидан олиб чиқиш устида бош қотиришяпти. Эслатиб ўтамиз, "Россиянинг сув ости бойликлари" лойиҳаси 7 йилдан бери самарали фаолият юритиб келади. Бу лойиҳа Болтиқ денгизи жамияти шафелигида ташкил топган бўлиб, у кўплаб тарихчи, ғаввос ва денгиз тадқиқотчиларини ўз ичига жамлаган. Лойиҳа иштирокчилари томонидан шу кунгача 200 тага яқин тарихий қийматга эга қадимги кемалар аниқланган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОПОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-1123

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Фароғат НИЗАМОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00.

1 2 3 4 5 6 8